

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

БИЛИМ ВА МЕХНАТ ЁР БЎЛСА...



Қарилк гаштини суришни ҳар ким ҳар хил тушунади. 75 ёшида ҳам Тошкент туман ҳокимлиги маънавият марказида ишлаётган фалсафа фанлари номзоди, «Шухрат» медали соҳиби Убайдулла ота Бозоров: «Мен ҳаётимни жамоасиз, кўлимдан келганча Ватанимга, халқимга хизмат қилишсиз тасаввур эта олмайман», - дейди. Убайдулла ота болалик ва ўсмирлик йилларини шундай эсга олди:

- 7-синфин битириб бир дўстим билан темир йўл билим юртига ўқишга кирдим. Қўнларнинг бирида шўх болалигим лавҳасига иккинчи жаҳон урушининг бошлангани ҳақидаги радио орқали берилган хабар нуқта қўйди. Биз ўқиш билан бирга ҳарбий заводда ҳам ишлай бошладик. Дўстим урушга кетиб қолди. Болалигимга бориб мен ҳам қишлоққа қайтдим. Мени табелчи қилиб сайлашди. Кейинчалик мактабга ишга чақиришди. Ўзимдан бир ёш кичик болаларга дарс бера бошладим. Менинг Ашурвой исмли акам урушдан соғ-саломат қайтдилар. Бир кун мени етаклаб университетга олиб бориб: «Ука, сен ўқишинг, келажакимиз учун яхши инсон бўлиб етишишинг керак», деб ўқишга қўйиб қелдилар. Яхши ўқидим. Бошимни икки қилган ҳам, уй-жойимни тўғрилаб берган киши ҳам шу инсон.

Кейинчалик рафикам Лолаҳон билан

рўзгор араваимизни ўзимиз тортиб кетдик. Рафикам билан маслаҳатлашиб Андрей исмли гўдакни асраб олдик. Уйимиз шавққа тўлди. Шу норасида гўдакка оталик, оналик меҳрини бердик, пешонасини силадик. Унинг қадами кутлуг келди. Оиламизда бирин-кетин фарзандлар туғилди. Уларни тарбиялаб вояга етказдик. Уйли-жойли қилдик.

- Домла, файласуф олим сифатида бола тарбиясига изох бериб ўтсангиз.

- Бола тарбияси жуда нозик масала. Бу ҳақда соатлаб гапириш мумкин. Мен ўз бошимдан ўтган бир воқеани гапириб берай. Ўғлим Андрей шўхроқ чиқди. Бирда ўқитувачиси: «Икки кундан бери дарсга келмаяпти», деб қолди. Ўғлим сумкасини олиб дарсга бораёпман, деб балиқ овиға борар экан. Мен унинг изига тушдим. Бир кун чўнтагида сигарет қутисини кўриб ўзимни тутиб туролмай юзига тарсаки тортиб юбордим. У: «Бу сигарет эмас, ичида чўчалчанг бор», - деб кўтини очиб кўрсатди. Хи-жолат бўлсам-да, сир бой бермай суриштирдим. Ўшанда балиқ овиға бораётгани маълум бўлиб қолди. Яна у уйдан чиқиб кетадиган одат чиқарди. Хотиним билан маслаҳатлашиб уни Намангандаги ахлоқ тузатиш интернатига қўйиб қелдик. Икки йилда қурувчилик касбини эгаллаб олди. Хотиним иккаламиз бориб олиб қелдик. Ишга жойлаб қўйдик. Кейинчалик уйлаб қўйдик. Демак, бола тарбиясида ота-она, ўқитувчи, маҳалла-қўй, қолаверса бутун жамият ҳам масъул бўлсагина бола Ватанига, халқига хизмат қиладиган комил инсон бўлиб вояга етади. Тарбиянинг бирорта томонини назардан четда қолдириш ярамайди, деб ўйлайман.

- Қарияларга муносабатни сиз ўзингиз қандай ҳис этаклапсиз?

- Бизнинг туманимизда қарияларга алоҳида эътибор берилаяпти. Бунда туманимиз ҳокими Бахтиёр Алимовнинг ҳам хизматлари катта бўлмоқда. Ҳокимимиз биз олимларни ҳам қаттиқ ҳурмат қилади. У кишининг бевоқифа маслаҳати ва раҳбарлигида туман тарихига оид рисолам чиқди.

- Ёшларимизни қандай кўришни истасиз?

- Ёшларимиз биздан илмлюроқ, бахтлироқ бўлишлари керак», - дейдилар доим Ўртб-шимиз. Ёшларимиз ҳаётда иккита қудратли қуч борлигини билишлари керак. Бу — билим ва меҳнат.

Анора НАРЗИКУЛОВА



ЭҲТИРОМ

Лавҳамиз қаҳрамони — Самарқанд Давлат Тиббиёт институти нейрохирургия ва неврология кафедраси мудир, тиббиёт фанлари доктори, профессор, республикадаги таниқли жарроҳлардан бири Абдурахмон Мамадалиевнинг болалиги уруш йилларида тўғри келди. Оддий деҳқон бўлган ота-онаси унинг ва укаларининг яхши билим олишлари учун барча шарт-шароитни яратиб беришди. У ўрта мактабни олтин медал билан битириб, Самарқанд Давлат Тиббиёт институтига ўқишга кирди. Таътил вақтида Сурхондарёнинг олис Боботоғи ёнгинасидаги она қишлоғига келган ўғли билан худди ўз тенгидек соатлаб гаплашиб ўтирадиган Маматкул ота ич-ичидан фахрланиб қўярд.

Яхшилардан сўз очдик

Институтни имтиёзли диплом билан битирган ёш шифокорни устозлари катта ишонч билан аспирантурада ўқишга тавсия қилишди.

Бир-бирини қувиб йиллар ўта бошлади. Дилбар қиз Хосиятхон билан оила қуришди. Бош фарзандларига Саодатхон дея исм беришди. Тиббиётнинг энг оғир, энг мураккаб соҳаси — нейрохирургиядан илмий изланишлар олиб бораётган Абдурахмон Мамадалиев номзодлик диссертациясини ёқлади.

Ёш олим тиббиёт назарияси билан кифояланиб қолмади — энг моҳир нейрохирурглардан бири сифатида элга танилди. Нейрохирургия соҳасида бир қатор оламшумул кашфиётлар муаллифи бўлган Абдурахмон Мамадалиевнинг докторлик диссертацияси ҳам тиббиётда катта воқеа бўлди.

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йили эди, менимча, - дейди Республика Соғлиқни Сақлаш вазирлиги бош реиматологи профессор Тўхтасин Солиев, — Москвадан келган комиссия таркибиде Сурхондарёга бордик. Касалхоналар фаолиятини текширдик. Вилонт касалхонасида бизга бош миясиде катта ўсмаси бор, бир неча кундан бери бехуш ётган бемор йигитни кўрсатишди.

Москвалик мутахассислар операциядан фойда йўқ, дейишди. Шунда Мамадалиев: «Мен бир уриниб кўрсам-чи», - деди. Ўқтамлик билан ишга киришди. Операция муваффақиятли ўтди. Мен ўшанда Мамадалиев чинакам мўъжиза яратганини ўз кўзим билан кўрганман...

СамМИ ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Баходир Собиров А. Мамадалиев ҳақида тўлқинланиб шундай деди:

- Абдурахмон Маматқулович Самарқанд нейрохирургия мактабининг асосчиларидан бири. Домланинг жаҳон нейрохирургларининг конгрессларида қилган маърузалари, кўргазмалар операциялари фанга киритилган. Абдурахмон ака ўзлари раҳбарлик қиладиган кафедрада соғлом илмий муҳит яратганлар. Шоймардон, Нажмидин, Холёр, Сай...

дазим каби шоғирдлари эл саломатлигини йўлида фидокорона хизмат қилмоқдалар.

Мен бу гаплар ҳақлигига ишонман. Чунки ўзим ҳам домлани халоскорим деб биламан. Отам Хамидулла ҳожи ҳам профессорнинг билимдонлиги, мўъжизали қўллари туфайли ҳаётга қайтганлар. Бизга ўхшаб домладан умр бўйи қарздор бўлиб яшайдиганлар сон-саноксиз эканлигига имоним комил. Домла беморни нафақат дори-дармон, операция йўли билан, балки меҳр-муҳаббат билан, ҳаётга умид билан доволайдилар...

Оиланинг ширинсўз, хушбаъбат бекаси Хосиятхон опа кўз касалликлари шифокори. Қизлари — Саодатхон, Ферузахон, Наргизахон, Адолатхон ҳам ота-она изидан бориб, шифокорлар сулоласини давом эттиришяпти. Саодатли, файзу баракотли бу оила аъзолари ҳаммаси китобхон, ҳеч кимдан ёрдамларини аяшмайди.

60 ёш оstonасида турган бу улғ инсоннинг мунаввар умр йўли фарзандлари, набиралари келажатини ёритиб турибди. Домлага ҳамиша азизу мукаррам бўлинг, дард кўрманг, Хосиятхон опа билан қўша қариб, фарзандлару, набиралар хузурини кўринг, дейимиз!

Хулқар ХАМРОЕВА

ПРЕЗИДЕНТ ҚАНОТЛАРИ

Маълумки, яқинда Республика Болалар парламенти ташкил этилган эди. 9-сентябр куни Тошкент шаҳар ҳокимиятида Болалар жамғармаси, Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси, шаҳар «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари ва Республика Болалар парламентининг 20 та ёш депутатлари иштирокида учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Абдурахмонова сўзга чиқди. Қизгин баҳс, мунозара ва фикр алмашишлар асосида ўтган суҳбатда ҳар бир депутат ўзи яшайдиган маҳаллада ва туманда Болалар парламенти олдида турган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича тарғибот ишларини қизгин олиб бораётгани маълум бўлди.

- Биз Сирғали ва Юнусобод тумани

мактаблари билан ҳамкорликда «Президент қанотлари» деб номланган клуб ташкил этдик. Мақсадимиз ҳар бир ишда, ўқишда намуна кўрсатиб, Президентимизга ёрдамчи, халқимизга фойдали иш қиладиган фарзанд бўлиш, - дейди ёш депутат Сардор Махмамов.

- Авваллари мен Конституция-мизни мукамал биламан деб ўйлардим, - деди Элёр Қувноқов.

- Сессияда қатнашганимдан сўнг ҳали кўп нарса билмаслигимни англадим. Энди эса ўз тенгқурларим орасида Ўзбекистон Конституцияси, Болалар ҳуқуқлари халқаро Конвенцияси, умуман ҳуқуқий билимлар тўғрисида тушунтириш ишлари олиб бораёпман.

Шунингдек, йилгида Болалар парламенти бўйича келгусида қилинажак ишлар ҳақида келишиб олинди.

Хулқар ХОТАМБОВЕВА

АХБОРОТ



Мустақиллик байрами муносабати билан ҳукуматимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлганлар орасида фаол муаллифларимиздан бири — шоира Зулфия Мўминова ҳам бор. Шу муносабат билан Зулфия опани суҳбатга чорладик.

- Зулфия Мардонова, авваламбор юксак мукофот — «Дўстлик» ордени муборак бўлсин. Сиз бу орденга Сирғали тумани «Мустақиллик» маҳалласи хотин-қизлари орасида олиб борган ишларингиз тўғрисида сазовор бўлдингиз. Ана шу йўналишдаги фаолиятингиз ҳақида гапириб берсангиз?

- Ростини айтсам, бошида кўнгилсизроқ бўлиб маҳаллада иш бошладим. Сабаб, маҳалла хотин-қизлар кенгаши асосан кечқурун соат 19 да қабул бошлайди. Мени эса зиммамда бир оиланинг бекалиги, оналик масъулияти бор. Шу жиҳати мени иккилантирди. Аммо хотин-қизлар кенгаши раиси сифатида биринчи кўрган ишим мени жуда тўлқинлантириб юборди. Шу-шу бу ишга меҳр боғладим.

- Мумкин бўлса ўша биринчи ишингиз ҳақида гапириб берсангиз?

- Ажрашиб кетган бир оиланинг йил давомида масаласи чўзилиб келатган экан. Оилада икки фарзанд. Келин қайнонага ёқмай қолди. Қайнона ўзига бошқа бой келин ҳам топиб қўйибди. Шу келиндан ажрашмасанг,

сендай болам йўқ, деб ўғлини ҳам ҳолжонига қўймас экан.

Эр-хотин бир-бирини севади. Болалар кўзминчоқдек бири-биридан ширин. Мен йигитдан: «Мен хотинимни яхши кўраман, болаларимни ҳам, аммо онам бизни ажраштирмоқчи», - деган хат ёздириб олдим. Қабулга инжиқ қайнонани чақириб, Оила кодексидан парчалар ўқиб бердим. Ундаги оилани бузувчи учинчи шахсга нисбатан жазо борлиги ва қонун ҳаммага баробарлигини ўқитдим. Ҳалиги қайнона адвокат топиб иш бошлади. Адвокатга мен ўғлининг хатини кўрсатдим. Адвокат ҳам оилани асраш тарафдори. Шундай қилиб қайнона ўз хоҳиши билан алоҳида туради-

ҳалласига қолганда вақти йўқлигини рўқча қилиб, ҳеч бир тadbирда иштирок этмайди. Бундай ҳолга муносабатингизни билдирсангиз?

- Менимча, ҳар қандай одам ўзи яшаётган, болалари ҳовлисида ўйнаётган, яхши ва ёмон кунда биринчи маддақори - маҳалласини ёддан чиқармаслиги керак. Ахир ватан маҳалладан, ўз уйимиз остонасидан бошланади-ку! Шундай эмасми? Шундай экан нега маҳалла ишига майда иш деб қараш керак. Тарбияда ҳамма иш муҳим ва улкан ҳисобланади. Мен ҳурмат қиладиган барча таниқли одамлар маҳалласи учун шахсан нимадир қилиб ташаббус кўрсатган одамлардир.

Хотин-қизлар кўмиталари фаолиятиндан

ролмади, аммо қизларга келган совчилар билан гаплашишни ўз бўйига олди. Қизлар иккиси ҳам яхши жойга узатилди. Аёл эса ёлғиз қолди. У олдинги ҳолатидан кўра бахтли эди, аммо ўша мен биринчи кўргандаги ҳасрат уни кўзларини тарк этмади. Шу ва шунга ўхшаш тақдирлар билан учрашув натижасида «Аёлга бахт беринг, саодат беринг», «Турналар қайтунча омон бўлайлик», «Борган жойда бахтли бўл» каби шеърларим ҳазилди.

- Ўз оилангиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз?

- Турмуш ўртоғим — Фикрат ака муҳандис. Икки қизимиз мактаб ўқувчиси.

ҲАР КУНИМИЗ БАЙРАМ, АЗИЗАМ

ган, ёшларнинг оиласини бузмайдиган бўлди. Орадан бир неча кун ўтиб деразадан қараб турсам, ўша мен ажралишдан асраб қолган оила йўлдан ўтиб борапти. Улар бир-бирларига мос ва бахтиёр эди. Болалар бир ойисига, бир дадасига эркалиб, тойчоқдек ўйнаб боришарди. Шу-шу мана 11 йилдан буён ҳар доим ишдан сўнг маҳаллага қабулга шошадиган бўлдим. 1250 аёлга кенгаш раисиман. Маҳалламизда жиноятчи аёллар умуман йўқ. Барчаси бир оилани гўлдек асраб-авайлаб, фарзандларини элу-юрт қаторига қўшиб бораётган ҳурматга сазовор аёллар.

- Эшитишимча, маҳалла хотин-қизлар кенгаши раисларига ойлик маош тўланмас экан. Бу ҳақиқий фидойилик-ку...

- Авваллари шундай эди. Лекин мана яқинда Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан шаҳардаги маҳаллаларда ишлаётган 445 га яқин хотин-қизлар кенгаши раисларига маош тўланадиган бўлди. Бунга қадар ҳам Сирғали туманидаги «Файз» ҳолдинг компанияси раиси Мукаррамхон Азимов ҳомийлик қилиб келардилар. Умуман олганда ҳеч қандай меҳнат эътиборсиз қолмаган, қолмайди ҳам.

- Бизни бир таниқли кишилар ўз ма-

- Бир суҳбатда «Аёлга бахт беринг, саодат беринг», - деб бошланган шеърингизни маҳаллада ёзганман, деган эдингиз. Шу шеърингиз ёзилиш тафсилотлари биз учун қизиқ.

- Одатдаги қабул кунларидан бирида ҳузуримга эллик ёшдан ошган бир аёл ёнида иккита кўхлиқина қизлари билан кириб келди. Аёлнинг латофатидан бир вақтлар шу қизларидек ловуллаб кўзга ташланадиган зебо бўлган билиниб турарди. Аммо унинг ғамгин қиёфасидан бошида қайғу борлигини билса бўларди. Аёл айтишича, эллик беш ёшли эри бир йилдан буён ўттиз ёшли бир жувон билан ноқонуний яшаётган, яқинда судга ариза бериб, мол-мулкларни бўлиб, уй-жойни сотиш масаласини ҳал қилиш учун ариза талаб қилаётган экан. «Менга-ку у кишининг ёш хотинга уйланиб ташлаб кетишининг, уй-жойни бўлиб олишининг ўзи фожеа. Лекин эрта-индин қизларимга совчи келса-ю, ота-она ўртасидаги бундай машмашалардан хабар тоғча, қизларим ҳурилиқ бўлсаларда келин қилишмаса, унда додимни кимга айтаман. Маҳалла қизларни узатганимизча отани уйга қайтаришга ёрдам берса, деб келувдим», - дейди аёл.

Маҳалла қариганда айниган, кўнгил кўчасига кирган эркакни ўз оиласига қайта-

- Турмуш ўртоғингиз бошқа соҳада ишлар эканлар. Шу боис шеърини чуқур тушунармиканлар?

- Улар ҳар нарсадан кир қидириб, жилайдиганлардан эмас, ўзим орзу қилганимдек оғир, вазмин, ишбилармон. Менимча, ижодкор аёлга шундай фазилатли умр йўлдош бўлса бўлди.

- Биздан ҳаёт сўқмоқларида боши айланиб, ҳузурингизга юпанч излаб борадиган аёлларга қандай сўзлар билан далда берасиз?

- Аёл қудратли куч. Шунинг учун ҳар бир кунимизни байрам каби ўтказишга ҳаракат қилайлик. Чунки ҳеч бир дақиқани орқага қайтариб бўлмайди. Шеърини сатрларимдаги қуйидаги жумлаларни кўп такрорлайман. Ва ўзим ҳам ана шу сўзлар сехридан сабоқ оламан.

Қайғуга хуш дегил,

Келар дам яхши.

Назокатга тўла,

Бу гул дам яхши.

Бу борлиқ, бу бўстон

Оҳ, бирам яхши.

Ҳар кунимиз байрам, азизам.

- Самимий суҳбатингиз учун раҳмат. Келажакда сиздан янгидан-янгидан шеърини тўпламларни кутиб қоламиз.

Миробид МИРСОДИКОВ
суҳбатлашди

Ҳаёт — ҳаёт экан-да. Гоҳ-гоҳида давраларда гап айланиб қайнота-қайноналарга бориб тақалади... Ҳамма ҳам турли фикр айтади: кимдир мамнун, кимдир надомат билан тилга олади... Шундай дамларда: «Қанийди менинг қайнона-қайнотам бўлса...» - дея ўкинаман.

...Пойтахтда аввал ўқиб сўнгра ишлаб юрган чоғларимда Самарқанд вилоятининг Ургант тумани Жартена қишлоғига келин бўлиб тушдим. Асли ҳовлида вояга етган бўлсам-да, тандирда нон ёпишни, ўчоқ-қозонда ош пиширишни унчалик билмас эдим. Бир кунни ҳамиша нон ёпиб берадиган овсинин Мухаббатхон оналарини кўриб келгани қишлоқларига кетиб қолдилар. Қилган ҳамирим эса борган сари кўпчиб борарди. Нима қилишга ҳайронман. Ёлсам-у нонларим тандирдан тушиб кетса ёки ёмон чиқса-чи? Индамай тура-версам нон кеч ёпилади ва аччиқ таъм бўлиб қолиши тайин. Нима қилсам экан-а, дея бош қотириб турган бир пайтда қайнонам бунни сезгандек гап бошлаб қолдилар:

- Дилбар (улар мени исминини айтиб чақирардилар), ҳамиринг ҳам ачиб кетибди-ёв. Аксига олиб овсинингдан ҳам дарак йўқ...

Келин бўлиб тушганимдан буён нон ёпмаганим учунми, қани нима дер экан, дея улар менга тикилдилар.

- Ўзим ҳам ёпаверардим-у, аммо тандирларингиз сал бошқачароқ экан-да, - дедим нима дейишимни билмасдан.

Қайнонам (Оллоҳ раҳмат қилсин) жуда покиза, доно ва саранжом-саристалиқни, гуллар-

ни хуш кўрадиган оқила аёл эдилар. Шу кунни ҳам ҳаммасини тушуниб турардилар. Менинг қишлоқ юмушларини яхши билмаслигимни ҳам, бу шароитларга қўниқийим учун ҳали бир

ҚАНИЙДИ, ҚАЙНОНА-ҚАЙНОТАМ ҲАЁТ БЎЛИНСА...

мунча вақт кераклигини ҳам жуда яхши ҳис этардилар. Шунинг учун бўлса керак, мени олдидиларга олиб, нонга зувала ясашни обдон ўргатдилар-да: «Энди сен тандирни ёқавер», дея уйга кириб кетдилар. «Қанийди келиб эплайман энди» деган ташвиш ҳали ҳам мени тарк этмаган эди. Бир вақт қарасам қайнонам кийимларини алмаштириб, нон ёпиш учун махсус тикилган халатни кийиб чиқибдилар. Нонларни қандай сифатли қиқариш учун тандирни қай тарзда қиздириш кераклигини ҳам эринмай тушунириб, ўтин қалашиб турдилар.

...Орқа-олди қип-қизил, чиройли нонларни дастурхонга қўйиб қайнона келин қайниларим билан қойлашиб ўтирган ҳам эдикки, овсиним келиб қолдилар:

- Энажон, яхши ўтирибсизларми, - овсинингнинг кўзи дастурхондаги нонларга тушиб қолганини сезган қайнонам менга бир қараб олдилар-да, дедилар:

- Овсининг шаҳарда ўқиб юрган билан уй-рўзгор ишларига ҳам дўшустинга экан. Ёлган нонларини қара, қандай ажайиб!

Оҳ, ойиқжоним-а! Ўшанда қанчалар ноқулай аҳволга тушиб қолганимни билсангиз эди. Уят-

дан юзларимдан аланга чиқиб кетганди-ёв... Шу кунни Сиз нон ёпишга уквсиз келингизнинг айбини яшириб, ўзингиз ёлган нонлар билан менинг юзимни ёруғ этгандингиз. Шу кундан

этиборан сизга бўлган меҳрим қанчалар ошгани баробарида бу ҳолат мен учун бир умрлик сабоқ бўлганлигини не деб баҳолай?

...Газ плитасида ошни дўндириб пишира олишимга ҳурсанд бўлиб юраверибману, кун келиб ўчоқ-қозонда пиширилган ошни яхши кўрадиган оилага келин бўлиб тушишим мумкинлигини хаёлимга ҳам келтирмабман.

Бир кунни тушки овқатга ош қилинадиган бўлди. Аммо ўчоқ-қозонда! Бу мен учун қийин эди, албатта. Қайим ёрдамида ўчоқга ўт қалаб то гуруч солишгача бўлган ишларини бажариб бўлдим, бу ёғига иккиланиб қолдим... Қайнотам эса менинг бу ҳолатимни анча олдинроқ - қайнонамнинг бозорга кетиш олдида: «Тушда ўчоқ-қозонда ош дамлаб қўйгин. Қийналмай-санми ўзи», дея сўраганларида берган жавобимнинг ичимдан

чиқмаганлигидан сезганмиканлар, ҳар ҳолда кўзларим тутундан ачишиб турган бир маҳалда:

- Ха келин, сенга ёрдамчи керак эмасми, мабодо, - дея келиб



қолдилар. Янги келин эмасманми, уларни кўриб кўркувданми, ҳаяжонданми дир-дир титраб кетдим. «Энди нима деган одам бўлдим-а», дейман виждонан қийналиб. Тилим қалимага келмай тутундан ёшланган кўзларимни арта-арта чехраларига қарагандим, унда ҳеч қандай нозилик аломатларини сезмадим. Самимият акс этиб турган юзларини кўриб кўнглим бир оз таскин тоғди-ю, «Майли, келин» дедим овозим чиқар-чикмас... Шу кунни қайимни ўт ёқувчи, мен шогирд, қайнотам эса устоз-

Хотира — муқаддас

ошпаз бўлиб шунақанги ширин ош дамлабимизки, орадан шунча йиллар ўтса ҳамки, унинг таъми кечагидай ёдимда. Қайнотам раҳматидан ўрганган «ош дамлаш сирлари»ни эса ханузгача қўлайман, уларни ёд этаман...

Ургант туманининг Жартена қишлоғида умргуздорлик қилган қайнонам Ойхол момо Қобилова ва қайнотам Раззоқ бобо Тўйиновлар ўз ҳаётлари давомида 8 нафар фарзандни меҳнатсевар, тadbиркор ва ўқимшли йигит-қизлар этиб тарбиялаган ота-оналар эдилар.

Қайнонамнинг дунёдан ўтганларига 16 йил, қайнотамга эса 11 йил бўлибдики, маҳалладашлар, таниш-билишлари ҳали-ҳануз бу инсонларни меҳр-муҳаббат билан ёд этишадилар. «Оллоҳ раҳмат қилсин, қабрлари нурга тўлсин, оқибатли кишилар эди», дея тилдан қўйишмайди.

Қайнонамдаги пазандалик, покизалик, тўғрисузлик, қайнотамдаги меҳрибонлик, бағрикенглик ва саховатпешалик хислатлари турмуш ўртоғим ва уларнинг опа-сингил, ака-укаларига ҳам муҳассамлигини кўриб суюқганим ҳолда ўзимга ўзим шундай ҳулоса чиқараман: «Демак, биз бугун қандай йўл тутсак, эртага фарзандларимиз ҳам биз талланган йўлдан юради. Бизнинг қусур-у, яхши амалларимиздан ўрناк олади ва уни вақти-соати келиб ўзимизга қайтаради. «Қайтар дунё» деганлари шу бўлса керак-да...»

Дилбар РАЗЗОҚОВА
Навоий шахри

ШУНДАЙ БЎЛМАСЛИГИ МУМКИН ЭДИ-КУ...

БУЗИЛГАН БИР ОИЛА ТАРИХИ



тижада ўртадаги ишонч йўқолган, меҳр-оқибат эса камайганди.

Шундай кунларнинг бирида мактабда ўқиётган 8-9 ёшли Шухратжон бобоси ва бувисининг пулларини ўғирлаб, мактабда ишлатиб юборди. Қариялар Холидага ахволни айтиб, боласи олган пулларни қайтариб беришни талаб қилишди. Холида жанжалдан қўқиб улар айтган пулни чиқариб берди. Қаттиқроқ танбеҳ эшитмаган Шухратжон бу ишни тез-тез такрорлайдиган бўлди. Холида ўғлининг кейинги қилғилиқларини ҳам эрига билдирмади. Ҳар

Холидахон келин бўлиб тушган хонадонда ахвол ўзига хос эди. Қайнотанинг гапи қайнонага, болаларнинг гаплари ҳам бир-бирларига бўлари келмасди. Тортишув, бақир-чақир билан ўз сўзини ўзгаларга ўтказиш ҳукмронлик қиларди. Андишанинг оти қўрқоқча айланганди.

Холидахон аввалига нима қилишни билмай қийналиб юрди. Устига-устак қайнона унинг ҳар бир ишнни худди назоратчидек текшириб, айб устига айб топаверарди. Кўз очиб кўргани — эрини севганлиги учун келин барчасига чидар, иложи борица қайнона-қайнотанинг айтганларини бажаришга ҳаракат қиларди. Лекин барибир ўтирса ўпоққа, турса сўпоққа айланиб қолаётганлигини биларди. Оиладаги гапни ташқариға чиқиши ёмонлигини билганлиги сабабли, бу гапларни ўз ота-онасига ёки яқинларига билдирмасди.

Аввал Шухратжон, сўнг Мадина тугилди. Оналик бахтига эришган Холидахон хурсанд эди. Оиладаги ҳаётга кўнча бошлаганди. Фарзандлари тарбияси билан бўлиб, ишга ҳам бормай қўйди. Эрининг иши яхшиланиб, оила моддий жиҳатдан тўқс ҳаёт кечираётган бўлди.

Лекин ака-укалар, ота-болалар ўрта-сидиға ахвол ўша-ўша эди. Холидахоннинг фарзандлари ҳам ана шу муҳитда ўса бошлаганди. Холида бу оиладагиларнинг барчасини ўзига "душман" деб билар, ҳеч бир сирини, айниқса камчиликларини билдирмасликка ҳаракат қилиб яшарди. Фарзандларини ҳам ўзича севди ва тарбиялади. Эридан фарзандларининг ёмон қилиқларини яшириб, рўй бериб нохуш воқеаларни бекитди. Эри қайнона-қайнотаси уни ёмонлаганда ҳар иккала томонни тинглаб муроасага келтириш ўрнига уни сўқиб, баъзида уришгача борарди. На-

гал неварасини уришиб, жавраб келган қайнонаси қўлига айтган пулни бериб жўнатаверди. Шухратжонни қаттиқроқ урушиб, бу йўлдан қайтаришга қўрқиб етмади. Бу ҳол Шухратжонга жуда ёқиб тушганди. Тўғрида, мактабда дўстлари ўртасида обрўси ошди. Ҳар доим чўнтағида етарли миқдорда пули бор. Хоҳласа сақиб, музқаймоқ ва бошқа нарсаларни олиб ейди. Билъард, теннис ўйинига ёки паррка бора олади. Тезда дўстлари ҳам хира пашшадек кўпайиб қолишди. Уни турли ўйинларга қўша бошлашди. Она уйда рўзғор ишлари билан банд. Ота ишда. Бобо-буви эса неварато томонидан ўғирланган пулларини келинидан ундириб олиб, тингична яшайверибди. Оилада жиноятчи фарзанд тарбияланаётганлиги ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмади.

Кўнлар, йиллар ўтди. Эндиликда 15 ёшга тулган Шухратжон ҳам ўз ишнинг "уста"сига айланиб қолганди. Иштаҳаси ҳам олдиндагидек майда-чўйда сўмларни тан олмасди. У катта-катта миқдордаги пулларни ўғирлай бошлади. Оқибатда иш шу даражага етди-ки, бир кун бобоси ва бувисининг пешона тери билан топган, қариганимизда бирор кўнимизга ярар, деб қўйган 800 АҚШ доллари миқдоридиға пулни ўғирлаб гўмдон қилди. Бундан хабар топган бобо ва бувининг бошларидан ҳушлари учди. Югуриб Холиданинг ёниға келишиб воқеани айтишди. Холида бу гапдан қай ахволга тушгани ёлғиз Оллоҳға маълум эди. Шухратжонни уришиб-сўқиб пулни сўради. Ўғли уни аллақачон ўзини йўлдан урган ўртоқларига ютқазиб қўйганди. Бу гапни эриға айтишдан қўрққан Холида қайнона-қайнотасидан бир-икки кун кўтишларини сўраб ялғизди. Лекин чора тополмай гангиб қолди. "Шунча пулни қаердан оламан?" — деган саволға жавоб то-

полмасди. Ўз невараларининг қилмишидан аламлари келиб, газабга тулган чолу-кампир бўлган воқеани ўғилларига айтишга мажбур бўлишди. Бу гапни эшитиб ота газабға минди. Ўғли билан хотинини роса дўппослаб, пулни топишни талаб қилди. Пул эса йўқ. Холида шунча пулни қаердан топади? Ота-онаси, ака-укаларида ҳам бунча пул йўқ эди. Эрнинг газиби, сеvimли фарзандининг қилмиши, қайнона-қайнотанинг қарғишлари жонидан ўтиб кетди. Нима қилиш керак? Осмон узок, ер қаттиқ. Фақат биргина йўл қолади... Ҳа, у ҳам бўлса... Болаларини эри боқиб олади. У эса миясига келган фикрни дарҳол амалға оширишға киришди. Бир парча қоғоз, ручка топди-да: "Ўлимимда эримни, қайнона-қайнотамни айбдор деб биланглар", дея ёзди-да, уни қаерға қўйишни ўйлади. Ахир бекорға ўлиб кетаверадимиз. Бошқалар ҳам ўз жазоларини олишлари керак-ку, ўйлади у. Ўнг қўлай жой липпаси. Хатни шу ерга бекитди, топиб олишлари осон бўлади-да. Сўнг олдиндан тайёрлаб қўйган сирка кислотасини қопқонини очди-да, кўзини чирт юмиб бир қўлтум ютиб юборганини билади...

Кўзини очганида олдида йиғлаб ўтирган онаизорини кўрди. Ўзининг ўлмаганлигини, шифохонадалигини сездди. Ўз тақдириндан ҳўрлиқ келди, онасини ўйламаганилиги ёдига тушиб унга раҳми келди. Нима қилиб қўйдим, энди нима бўлади? Фикрлари айқаш-уйқаш. Наҳотки, ёмон қайнона-қайнота, эр мени шу қўйға солди. Даволаниб чиққач шифохонадан чиқиб, тўғри онасиникиға кетди. Энди эрининг уйиға бормайди. Ортиқ у разил инсон билан яшай олмайди. 17 йиллик турмушидан нима кўрди? Кўргани шу икки фарзандими? Ҳўрлик, азобми? Лекин, негадир ўғли Шухратжоннинг айблари кўзига унчалик кўринмасди. Нима бўлганда ҳам фарзанди эмасми, уни кўргиси келиб укасидан олиб келишни сўради. Шухрат онасини кўришни истамабди. 13 ёшли қизи Мадина эса келибди. Холида ота-онасиникида яшаркан, уйда қолган қайнона-қайнота ва бадбахт эрнинг устидан шикоят қилиб, юқори ташкилотларға ёзиб юборди. Шушу, ҳали милицияға, ҳали прокуратураға қатнай бошлаганди. "Баттар бўлишин, ҳали бу уларға ҳолва, керак бўлса жазоларини олишин. Мен эса ажрашаман". Қалбидиға алам сўнмаганди. Ахир бир ўлимдан қолдим, дея ўйлади Холида. Алам кўзаларини кўр, қўлоқларини қарға айлантирди.

Туман хотин-қизлар кўмитасида шу воқеа юзасидан маҳалла вакиллари, ҳар икки оила аъзолари, кўни-қўшни, таниш-билишлар, суд, прокуратура, ми-

лиция ҳамда матбуот ходимлари — жаъми 22 киши йиғилди. Йиғилишда албатта оила аъзоларининг бир-бирларига айбни тўнкаб, ўзаларни оқлаб гапирибдилар тингилди, воқеанинг сабаби ўрганилди. Оиланинг ҳар бир аъзоси томонидан йўл қўйилган камчиликлар тушунтирилди. Оиладаги каттаю кичик ҳар қайси одам ўз ўрнида ҳатоға йўл қўйганлиги натижасида Шухрат тарбияси бузуқ болалар орасига тушиб қолиб ўғриллик қилиши оқибатида оила бузилганлиги аниқланди. Ота-онасининг ажралиб кетишларига сабабчи бўлаётган болага қилган айби тушунтирилди. Шунингдек нима бўлганда ҳам оилани сақлаб қолиш кераклиги таъкидланди.

Шухратжон ўзининг қилиб қўйган нотўғри ишнни эндиликда тушуниб етганди. Кўз ёшлари билан минг бор пушаймон бўлаётганлигини билдириб, бобо-бувисидан, ота-онасидан кечирим сўраб, ҳаммаларини севишини, ота-онаси у туғайли ажралишиб кетишларини асло истамаслигини билдирибди. Холиданинг эри ўз айбини тан олди. Хотинидан кечирим сўраб, ўз йилларига бориб яшашини сўради. Аммо: "Ойижон, айтганларингизни қиламан, ёмонликларимни қайтиб қилмайман, тавба қилдим, мени кечиринг, ўзимизнинг уйимизға юринг, сиз яшаётган жойиға бормайман, дадам билан ажрашаман", — дея ялинган Шухратжоннинг гаплари ҳам Холиданинг қалбини юмшатмади. Бир неча кунлик текширишлар ва нихоят туман ҳокимияти хотин-қизлар кўмитасидиға уч соатдан ортиқ давом этган суҳбатдан ҳеч қандай натижа чиқмаслигини билган ҳоким ўринбосари, "Йўқ, ажрашаман", дея ёвгани тараф олган Холидахонға қарар экан, деди:

- Синглим Холидахон, Сизнинг оналик, аёллик ҳуқуқингизни ҳимоя қилиш учун, қолаверса, оилангизни сақлаб қолиш учун йиғилгандик. Модомики сиз "Йўқ", дея ажрашиш йўлини танлаган экансиз, менинг сизға ва ўғлингиз Шухратға ўз ҳақ-ҳуқуқингизни тушунтириб беришдан бошқа чорам қолмади, деди. Шухратға ўз ҳақ-ҳуқуқларини тушунтирди, Холидаға ҳам ажрашиш учун судға мурожаат қилиш кераклигини билдирди.

Мажлис тугади. Йиғилганларнинг оилани сақлаш борасидиға ҳаракатлари зое кетди. Аввало оила катталари, айниқса ўз вақтида боласини жиноят йўлидан сақлай олмаган Холиданинг қилмиши, Шухратнинг аянчилик қилиқлари туғайли оила барбод бўлди. Тўғри, ўлмаган бандаси бошиға тушган кунини кўраверди. Лекин, шундай бўлмаслиги мумкин эди-ку?!

Лола АХМЕДОВА

ҚАЙНОНАЛАР МАКТАБИ



КўНГЛИМДАГИДАЙ КЕЛИНИМ БОР

Ойдинхоним Ҳамидова билан Тошкент яқинидаги дам олиш масканида танишдим. Ёшиға муносиб оғир-босиқ, камгал, қандайдир жуда нуроний, истарали ая билан жуда-жуда гаплашгим келди.

Қарши шаҳридан келибдилар. Вилоят шифохонасида 32 йил ҳамшира бўлиб ишлаган эканлар. Беш қиз, бир ўғилға она, келин ва куёвларға қайнона эканлар.

- Қаранг-а, мен ниятимға етдим! — дедилар майингизна жил-

майиб, — "Оила ва жамият"ни сеvim ўқиймиз. Яқиндагизна "Қайноналар мактаби" деб ёзганларингизни ўқиб, қанийди мен ҳам бир-икки оғиз гапларимни шуларға айтсам, — деб ҳаёл қилгандим. Оллоҳнинг ўзи биларни учраштирди-я. Шукр, беадад шукр!

- Қатор-қатор қизлар, биргина

- Ҳар бир юмушнинг ўз фаршаси бор, — дейман келинимға, — Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим, деб кўн билан, илос билан қилишсангиз ўша юмуш жуда чиройли, сифатли чиқади. Таомларингиз мазали бўлади. Ювган қирларингиз ярақлайди. Барақанинг дебочаси эса озодалик. Соғлиқ ҳам, уй-жойнинг файзи

ҳам озодаликдан бошланади. Опажонларингиз фақат мени эмас, сизни ҳам соғиниб келишин, қизим. Шунинг учун уларни ҳар доим очик ҳеҳра билан қутиб олиб, икки оғиз ширин гапирингиз-а!

Меҳринисо гапларимни қўлоғиға олди. Шукр, мана ҳозир у икки қизалоққа она бўлди. Кўнглимдагидай иш тутаяпти.

- Хатолари, камчиликлари йўқми?

- Беайб фақат парвардигор, айланай. Ҳаммамиз ҳам ёш

бўлганмиз. Уй-рўзғор ишларида хато-камчиликларимиз бўлган. Ана шуларни эслаб, кечиримли бўламиз-да. Сабот билан, матонат билан, ҳар бир сўзимизға меҳр қўшиб, ўргатиб бораверамиз.

Бир кунни нозикроқ одамларникиға меҳмонға олиб бормоқчи бўлдим келинимни. Биласиз, ҳозирги ёшлар бошланг юргиси келади. Мен ҳам ўша жойиға келинимнинг бошиға бирон чиройли рўмолини ўраб боришим, хиёл кенгроқ қўйлак қийишини истардим. Яхши гап билан, сабабини айтиб обдон тушунтирдим. Айтганимни қилди. Мен ҳам хурсанд, у ҳам хурсанд.

Бир кун у ўғлимдан шикоят қилиб: "Яқин дугонам фарзанд кўрганди. Бориб табриқлаб келай десам, юбормаяптилар аяжон!" — деб қолди. "Ҳозир шундан чарчаб келгандир-да эрингиз. Чой дамлаб беринг. Олдиға таомини келтиринг. Елкаларини уқалаб-уқалаб қўйинг.

Бироз дам олиб, ўзига келгач, яна аста сўраб кўринг. Майли деса, қизчаларингизға мен қараб турай, сиз бориб, табриқлаб, бироз суҳбатлашиб келарсиз", — дедим. Ярим соатлар ўтган келиним: "Рухсат бердилар!" — деб яшнаб чиқиб келди. "Ана кўрдингизми қизим, эркак кишининг қалбига йўл топа билиш керак. Сиз эрингизнинг феълини юз фоиз ўрганиб олиб, шунга яраша иш тутсангиз — олам гулистон!" — дедим мен ҳам хурсанд бўлиб.

Қизларимға ҳам шу гапларни тайинлайман. Уч қиз узатдим. Шукр, ҳамма тинч, ўзидан тинган. Уйдаги қизларим эса менадан, келиноийсидан андоза олиб, уй ишларида бир-бириға ёрдамчи...

Ойдинхонимнинг суҳбати ипакдан майин. Ҳадислардан, ҳикоятлардан намуналар айтди. Тилидан бод томади, бол! Дилингизға нақ чироқ ёқади...

Санъат МАХМУДОВА

Агар бирорта хонадонда мажруҳ фарзанд туғилса, шу оиладагиларнинг шодлигию кулгуси ярим, бахти эса кемтик бўлади. Тахририятимизга келган Гул-

қолди. Шифокорлар ўғлимнинг касаллиги нима эканлигини аниқлашгунча вақт ўтиб кетган экан. Аслида: "Уни чақалоқлигида операция қилиш керак", - дейиш-

- Қандай муаммолар?

- Энди қўй бола вояга етганидан кейин унга оғиз солгувчилар кўпаркан. Совчилар келмаган кун йўқ. Буни

лимин тушунинг, илтимос. Мажруҳми, касалими бу ҳам болам, қолганлар ҳам болам-да. Соғ бўлишгани учун улардан меҳримизни дариг тутушимиз керакми? Уларнинг ҳар бирини уй-жойли қилганимиздан кейин, балки яна уни уйга олиб келармидик? Ёки нотўғри қилган бўламизми? Врачларнинг айтишича, ўғлимнинг юраги жуда соғлом бўлиб узоқ умр кўриши мумкин экан. Баъзи ота-оналар ўзларининг соппа-соғ, кўғирчоқдек фарзандларидан кечишади. Виждонлари қўйналмайди ҳам. Дониёрни деб бошқа фарзандларимизнинг тақдирлари учун қайғурмасак, улар келажакда бахтсиз бўлиб қолиша, бундан бир дардимиз икки бўлмасмикан? Дунёдаги энг катта бойлик фарзандларнинг соғ-саломатлиги. Минг афсуски тенгдошлари қатори чопқиллаб ўйнаб-қулиб, бизнинг кўзимизни қувонтириш Дониёримизнинг пешонасига ёзилмаган экан.

Гулчеҳраҳон. Сизга, оила аъзоларингизга ҳам осон эмас. Хаста жигарбандингиз тўшаққа михланиб ётса-ю, сиз унга ёрдам беролмасангиз... Аммо, сизни ҳар куни уй-рўзгорнинг тугамайдиган таъшишлари қутиб туради. Уларга улгуришингиз керак. Ҳа, яшашингиз, ҳаётнинг пасту-баланд йўлидаги машаққатлари энгиб, бошқа фарзандларингиз учун ҳам меҳр беришингиз зарур. Лекин соғлом фарзандларингиз учун ҳам меҳр, эътибор керак. Энди сизларнинг армонларингизни шу фарзандларингиз рўёбга чиқаради. Юртимиздаги ҳар оиланинг ўзига хос бир муаммоси, ўз таъшишига қувончи бор. Сизнинг дардманд оилангиз ҳақида ёзarkanмиз, албатта, юртодошларимиз сизга ўзларининг маслаҳатларини берадилар, деб қутиб қоламиз.

ОИЛАНГИЗГА ШОДЛИК ТИЛАЙМИЗ



чеҳра (айрим сабабларга кўра исмлар ўзгаририлди) исмли аёл билан суҳбатимиз айнаш шу ҳақда кечди.

- Мен севиб-севилиб турмушга чиққанман. Турмуш ўртоғим ҳам яхши инсон. Калбимизда ўша пайтларда турфа хил орзуларимиз бор бўлиб, ўғлим Дониёр туғилгунча биздан бахтли оила йўқ эди. Бу билан «ўғлим бахтсизлик олиб келди» демоқчи эмасман. Ногирон бўлса ҳам у менинг болам, менинг жигарбандим, ахир. Мени бир армон қўйнайди ҳанузгача. Ахир у соғлом туғилганди. Хамшираларнинг совуққонлиги натижасида ўғлим шу аҳволга тушиб

ди. Уларнинг айтишича, боламнинг мияси қаттиқ лат еган экан. Туғилганидан кейин бир-икки кунгача яхши эди. Жимгина ухлаб кейин бирданига қаттиқ чинқириб йиғлай бошлади. Шундан сўнг бизни туғруқхонадан чиқариб юборишди. Шу-шу умрим йиллаб касалхоналарнинг эшигида ўтди. Олиб бормаган жойимиз қолмади. Бундан асло норози ҳам эмасман. Лекин биронта муолажанинг нафи тегмаганидан афсусдаман. Охири умидимизни уздик. Мана, неча йилки Дониёр уйда... Оила аъзоларимиз, кўпроқ катта қизим қарайди. Эрим ўғлимни жуда яхши кўради. Қош-қўзлари попуқдек. Ҳозир у 16 ёшга тўлди. Шўрлик ўзининг бу дунёга қандай келганини ҳам, қандай яшайганини ҳам билмайди. Кичкиналигида унча билинмасди. Ҳозир эса кундан кунга уни кўтариб сайр қилдириш, ювиб-тозалаш қийинлашяпти. Мен-ку онаман, болам учун жонимни беришга ҳам тайёрман. Лекин бир пайтлар илоҳсизликдан биз уни Қорақамишдаги мажруҳ болалар уйига беришга мажбур бўлдик. Бола у ерда икки ойгина бўлди. Бизнинг уйимизда ҳам шунча вақт мотамсаро вазият ҳукм сурди. Эрим сиқиларди. Буни менга билдирмасликка уринса-да, барибир сезардим. Шундан кейин бориб уни яна уйга олиб келдик. Шундан буён у уйда. Орадан анча йиллар ўтди. Катта қизим 19 ёшга тўлди. Унга совчилар кела бошлаганидан кейин уйимизда муаммолар туғила бошлади.

қарангки, биз йиллар давомида Дониёр билан андармон бўлиб, қолган фарзандларимизнинг улгайиб қолганини ҳам сезмабмиз. Бошимизда бошқа болаларимиз ҳақида ҳам ўйлаш каби муаммолар турган экан. Биз келган совчиларга мажруҳ боламиз борлигини айтишимиз табиий. Агар биз айтмасак, қўшилариш этказишди. Улар ўғлимнинг бу касаллиққа туғилганидан кейин дучор бўлганини билишмайди. Наслий касаллик дея ўйлаша, ойполукдек чиройли, оқила қизларим вақтида турмушга чиқа олмасдан, бахтсиз бўлиб қолишлари мумкин. Биз эса бутун эътиборимизни, меҳримизни қолаверса ёлғизимизни Дониёрга бағишлабмиз, қолганларининг келажиги, тақдири ҳақида ўйламабмиз. Эшитишимча, уйимизда касал боламиз борлигидан хабар топган баъзи совчилар қиришга ҳам иккиланиб қолишганмиш. Мен шуларни ўйлаб бир куни эримга Дониёрни яна аввалги жойига топшириш ҳақида маслаҳат солдим.

- Эрингиз рози бўлдики?

- Каёнда дейсиз! Хатто эшитгиси ҳам келмади. Бир неча марта тунда уйғонганимда эримнинг кўзларидаги ёши билан Дониёрнинг қаравоти тепасида унга тикилиб турганини кўрдим. Очиғи уни топширишга ўзимнинг ҳам кўзим қиймайди. Бироқ бошқа иложимиз йўққа ўхшайди-да.

- Аммо, сиз ҳам иккиланаяпсиз-да, шундайми?

- Ҳа, менинг аҳво-

Чоршанбадан чоршанбагача — Таъриф — кўнғироқларингиз...

- Ҳозиргина газеталарингизнинг янги сонини кўздан кечириб менда ҳам ўз дардимни айтиш истаги туғилди, эшитишга вақтингиз борми?,- дейди телефон қилаётган аёл.

- Бор албатта, нима демасангиз.

- Мен ҳозир бир кишининг уйдаман, уй эгаси устимдан қўллаб кетган. Эрталаб соат 9 ларда келгандим. Шундан бери бир дақиқа ҳам ўтирганим йўқ. Боя эрим соат олдин уй эгаси буюриб кетган ҳамма ишни бажариб бўлиб, бир пас оёғимни узатиб ўтириб газетани кўлга олдим. Менинг тақдиримга ўхшамаса-да, ўзга тақдирларни ўқиб ўзимнинг ҳам етимликда ўтган кунларим, тортган азобларимни эслаб, роса йиғладим. Уй эгаси йўқлигидан фойдаланиб сизларга кўнғироқ қилаяпман. Ҳадемай ўйнинг эгаси келиб, пулимни бериб чиқариб юборади. Дардимни айтишга улгурманми, йўқми — билмадим.

- Синглим, бир бошдан тушунириб гапиринг... Нима бўлганди ўзи?

- 3 ёшимда онам оламдан ўтган. Кейин отам бошқа аёлга уйландилар. Акаларим, олам бор. Ўғай онамниқу айтиб ўтирмай, раҳматли отам ҳам бизга совуқ муносабатда бўлар эдилар. 18 ёшимда мени турмушга узатишди. Мен у йигитни кўрмай, билмай текканман. У отамнинг дўстининг ўғли экан. Биз ўрта ҳол оила эдик. Улар таг-тахтил, бой-бадавлат оила эди. Мен келин бўлиб борган кунимдан бошлаб ўзимни ёлғиз ҳис эта бошладим. Ота-онаси ҳам, эрим ҳам, қайнука, қайсингилла-

рим ҳам менга паст назар билан қарашарди. Аста-секин эрим аввал дўқ қиладиган, кейинчалик ичиб келиб урадиган одат чиқарди. Шу билан биринчи фарзандим дунёга келди. Эрим шифокор бўлиб ишларди. Мен эса рўзгор юмушидан ортмасдим. Бир неча маротаба отамнинг уйига ҳайдаб юборди. Ота-онам оламдан ўтган, акаларимнинг

ни қилиб юрдим. Улар мени турмушга беришмоқчи бўлишса кўнмасдим. Мен болаларимдан ҳамон кечолмасдим. Эримнинг инсофга келишини Худодан илтижо қилиб сўрардим.

Шариатда талоқ қўйилган хотин бошқага тегиб чиқши керак экан. Йўқса ҳаром саналаркан. Янгаларим

ларди. Хотини бўлса ҳам, менга қарамаса ҳам майли, болаларимга оталик меҳрини берса бўлди, деган мақсадда мен шундай йўл тутгандим. Лекин гишт қолипдан кўча қайта қолипга тушиши қийин бўларкан. Турмушимиз бўлмади. 6 ой бурун яна мени ҳайдаб юборди. "Болаларимни бер" де-

лиман болаларим ҳам баҳраманд бўлсин деган ниятда шундай қилгандим. Оз бўлса-да, болаларимни кўнглини олай деган эдим. Болаларимни кўрай деб эримнинг уйига борсам, эрим қўлимдан сумкамни силтаб тортиб олиб, ичиди-ги кийим бошни пичоқ билан кесиб-кесиб ташлади. У: "Бу ҳаром пулга топилган кийим-бошни болаларим киймайди",-деди. Мен фоҳишалик қилиб бу пуллари топганим йўқ-ку!..

У хўнграб йиғлаб юбордим. Яна ўқсина-ўқсина гапини давом эттирди: Йиғлаб-йиғлаб акамниқига келдим. Оркамдан опаси келиб: "Укамни тинч қўйинг, тақдирингиз бирон киши билан қўшилса, эрга тегиб кетаверинг",-деди.

Менга берган маслаҳатини қаранг. Ахир менинг болаларим бор-ку? Қандай қилиб яна турмуш қуриб тинчгина яшаб кетишим мумкин? Нимага эрим болаларим билан учрашимизга, улар кўнглини олишимга қаршилиқ қилади. Судга берсам: "Ажралмайман, мен яшайман", деб судни ҳам алдайди. Нима қилай? Қандай йўл тутсам болаларимни кўриш имкониятига эга бўламан?

ҚОНУН ЙЎЛИ БИЛАН ИШ ТУТИНГ

ковок-тумшуғи, янгаларимнинг пичинги сабаб яна бош эгиб эримнинг уйига борардим. Хуллас, иккинчи ўғлим ҳам бўйимда бўлгани боис, эримга ипсиз боғланиб қолган эдим. Иккинчи ўғлимни ҳам туғдим. Шу орада биз домга кўчиб чиқдик. У ерда бир татар хотин бор эди. Эримдан 3 ёш, мендан 10 ёш катта эди. Унинг эри ҳафтада бир келиб кетарди. Эрим у билан очикчасига ишқий саргузаштини бошлаб юборди. Мен эримдан кўрққанам учун миқ этмай юравердим. Нима бўлса бўлсин, болаларимни отасиз етим қилмайман деган қарорга келган эдим. Мен айтмасам ҳам маҳалла-қўй у аёлни: "Бир оилани барбод қила-япсан",-деб кўчириб юборишди. Эрим эса аламини мендан олиб урди. Уриш-жанжал учун ҳар кун бирор бахона топиладди. Мен эса болаларим учун шу уйдан кетмайман, деб туриб олдим. Охири бўлмади. Мендан болаларимни тортиб олиб, талоғимни бериб, акаларимниқига ҳайдаб юборди. Лекин суд орқали ажрашганимиз йўқ. Бир неча йил янгаларим хизмати-

мени алдаб, 45 ёшли бир кишига зўрлаб беришди. Шундай қилсам, эрим билан ярашиш йўли очилар экан, деб рози бўлдим. Мен у эркак билан 20 кунгина яшаб, жавобимни беришми сўрардим. Болаларимдан кечолмаслигимни йиғлаб-ёлвориб илтимос қилдим. У жавобимни берди. Шу тариқа акаларимниқига қайтиб, яна эримнинг ёнига ярашайлик деб бордим. Унга: "Мана, шариат бўйича иш тутдим, энди никоҳингизга олинг, болаларим она-сиз ўсмасин",- десам, "Сен эрга тегиб чиқдинг, энди менга ҳаромсан", деб қабул қилмади. Мени эрга тегиб чиқшига мажбур этган ўзи эмасми? Бу ишга маҳалла раислари аралашиб, у мени тағин никоҳига олди. Айтгандай, мен акаларимниқига юрганимда у ҳам уйланган эди. Болаларим ўғай она-нинг қўлида-

- Синглим, унинг хотини бўлса, ўзингизни бунчалик ерга урманг. Қонуний ажрасангиз болаларингиз хоҳиши билан иккаласини ҳам олишга ҳаққингиз бор. Агар болаларингиз хоҳлаб, тақдирга тан беришингизга тўғри келадди. Шундай ҳам уларни қўриб туриш ҳуқуқига эгасиз. Тушқунликка берилмай ўз ҳуқуқингиздан тўлиқ фойдаланишга ҳаққингиз бор. Насиб бўлса ҳаммаси жойига тушиб кетади. Ёгонинг бўшини қурт ейди. Ўзингизни қўлга олиб қонун йўли билан курашинг.

Тоҳир НОРИМОВ

ДУШАНБА 16

ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

Телетомошабинлар дик-
катига!
Профилактика муноса-
бати билан душанба, 16
сентябрь кuni "Ўзбеки-
стон" телеканали кўрса-
тувлари соат 15.00 дан
бошлаб кўрсатилади.
15.00 "Тахилнома".
15.45 ТВ анонс.
15.50 "Ошин". Телесери-
ал.
16.20 "Туртинчи хоки-
мият".
16.40 "Кино оламида".
"Болалар сайраси".
17.00 1. "Олтин тоғ". Те-
левион уйим. 2. "Санъ-
ат гунчалари".
18.00 ЯНГИЛИКЛАР
18.10 "Мулк".
18.30 "Олтин мерос".
18.45 "Бахтли воқеа".
Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25,
21.00 ЁЪЛОНЛАР
19.30 "Ахборот" (рус ти-
лида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк ха-
барлари.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Қўшиғимиз Сиз-
га армуғон".
21.30 2002 йил - Қария-
ларни қадрлаш йили.
"Париси бор уй".
21.50 Кураш бўйича жа-
ҳон чемпионати.
22.25 "Мовий уммон
қазрида". Телесериал.
23.15 "Ахборот-дай-
жест".
23.35-23.40 Ватан тим-
соллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дасту-
ри.
9.00 Давр тоғи.
10.00 "Янги авлод" сту-
дiasi: болалар учун кон-
церт.
10.20 "Мультишоша".
10.50 Муслик лхазлар.
11.00 "Давр" ҳафта ичи-
да.
11.30 Саломат бўлинг.
Турги оқатилиши. 4-
кўрсатув.
11.50 "Доктор Финли".
Телесериал.
12.40 "Давр"-news.
12.55 Меҳр кўзда.
13.05 "Учинчи сайёра"
маърифий дастури.
13.55 Кўна оҳанглр.
14.10 "Ҳақиқат чегара-
си". Сериал.
14.35 "Қадр толган ота-
хон". Телесериал.
14.55 "Қусто командаси-
нинг сув ости саргузаш-
тлари". Телесериал.
15.45 Спорт ҳафтанома-
си.
16.00 "Доктор Жекил ва
мистер Хайдингн саргу-
заштлари". Бадий
фильм.
17.25 ТВ-анонс.
17.35 Кўрсатувлар дасту-
ри.
17.40 "Янги авлод" почта-
си. Болалар шеърля-
ти.
18.05 Муҳаддас бурч.
18.25 Тафаккур ёлқилла-
ри.
18.40 Оқшом навалари.
18.55, 21.55 Икким.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўна оҳанглр.
19.50 Дийдор.
20.10 Ёшлар овози.
20.30 Мухаббат қўшиқ-
лари.
20.50, 21.25, 22.35
ЁЪЛОНЛАР
20.55 "Эсмeрaльда". Те-
лесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенг-

дошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 "Мухаббат қаҳва-
си". Телесериал.
23.05 "Ёшлар" телекана-
лида спорт: Нокаут.
23.50 Давр.
00.55-1.00 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 "Сайр кийлаган му-
шук". Мультифильм.
17.40, 18.05, 22.00 "Эксп-
ресс" телегазетаси.
18.00 "Болаларлар акра-
ни". "Шарки ва Жорж". 34-
қисм.
18.30, 20.00, 21.10 "Пой-
тахт". Ахборот дастури.
18.50 "Қамалак".
19.25 "Спорт ва болалар".
19.40 "Анто-ньюс".
20.30 ТВдаги сериал: "Ази-
миз Изабелла".
21.30 "ТВ плюс".
22.20 "Пойтахт шаҳри".
22.45 Киноингоҳ. "Истиқо-
мат ҳуқуқи".
00.25-00.30 "Хайрли тун,
шаҳрим!"

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
16.10 - 16.40
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 "Вести".
17.00 "Евроньюс" англик-
лари.
17.15 "Қушдай енгил
бўлинг". М. Еаджидов ҳузу-
рида.
18.00 "Мени кутгил".
19.00 "Фаталистлар". Се-
риал. Комедия. 1-қисм.
20.00 "Время".
20.40 "Жаҳон бўйлаб".
21.25 "Хинд оҳанглари".
21.45 Питер Фальк "Йуқол-
ган дунё" саргузашт филь-
мида. 1-қисм.
22.30 СФИ тақдим этади:
"Табиат саргузаштлари".
23.20 "Ахборот" (рус тил.).
23.55 "Тунигиз осуда
бўлсин!"

16.55 - гаца профилактика
ишлари
16.55 Дастуринг очилиши
17.00 - Час шоу
17.40 - "Теле-хамкор"
18.00 - "Крот", детективный
сериал, 1 серия
19.00 "Ловушка для свин-
геров", триллер
20.35 - "Теле-хамкор"
21.00 - "Спокойной ночи,
малыш!"
21.15 - "Ошикона", муси-
кий дастури
21.30 "Заряженное ружье",
комедия
23.15 Профессиональный
бокс
00.00 - Программа передач

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

5.00 Телеканал "Доброе
утро"
8.00, 11.00, 14.00, 17.00
Новости
8.15 «Семейные узы». Се-
риал
9.10 Мелодрам «Любовь с
привилегиями». 1-я серия
10.30, 13.05 «Ералаш»
10.40 Детский сериал «Тви-
нски»
11.15 Детский «Из любви
к искусству»
13.20 Человек и закон
14.15 Комедия «Второй
Бетховен»
16.00 «Большая стирка» с
Андреем Малаховым
17.15 «С легким паром!»
18.00 «Жди меня»
19.00 Комедия «Фаталис-
ты». 1-я серия
20.00, 23.00 Время
20.40 Фильм «Убойная
сила: Роль второго плана»
21.45 Фильм «Затерянный
мир». 1-я серия
22.30 Детектив. «Шампан-
ское для покойника».
23.20 Кубок по синхронно-
му плаванию.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
16.10 - 16.40
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 "Вести".
17.00 "Евроньюс" англик-
лари.
17.15 "Қушдай енгил
бўлинг". М. Еаджидов ҳузу-
рида.
18.00 "Мени кутгил".
19.00 "Фаталистлар". Се-
риал. Комедия. 1-қисм.
20.00 "Время".
20.40 "Жаҳон бўйлаб".
21.25 "Хинд оҳанглари".
21.45 Питер Фальк "Йуқол-
ган дунё" саргузашт филь-
мида. 1-қисм.
22.30 СФИ тақдим этади:
"Табиат саргузаштлари".
23.20 "Ахборот" (рус тил.).
23.55 "Тунигиз осуда
бўлсин!"

денями»
8:50 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ
ЧАСТЬ.
9:20 Погода на завтра
9:25 «НАМЕДНИ» с Леонид
Парфеновым
11:05 Комедия «СВАДЕБ-
НЫЙ ПЕРЕПОЛОХ»
13:05 «КРИМИНАЛЬНАЯ
РОССИЯ: МЕСТЬ ЧЕМПИО-
НА»
13:35 Детектив «ОНА НА-
ПИСАЛА УБИЙСТВО», 16
серия
14:40 Ток-шоу «ПРИНЦИП
ДОМИНО»
16:05 ШОУ «ФАКТОР СТРА-
ХА»
17:05 «ВНИМАНИЕ: РО-
ЗЫСКИ»
18:35 Сериал «КЛЮЧИ ОТ
СМЕРТИ», 5 серия
19:45 Сериал «СЕЗОН ОХО-
ТЫ», 1 серия
21:35 Сериал «УЛИЦЫ РАЗ-
БИТЫХ ФОНАРЕЙ»
22:40 «КЛЮЧИ ОТ СМЕР-
ТИ». Детектив
23:45 ГОРДОН

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Телеканал "Доброе
утро"
8.00, 11.00, 14.00, 17.00
Новости
8.15 «Семейные узы». Се-
риал
9.10 Мелодрам «Любовь с
привилегиями». 1-я серия
10.30, 13.05 «Ералаш»
10.40 Детский сериал «Тви-
нски»
11.15 Детский «Из любви
к искусству»
13.20 Человек и закон
14.15 Комедия «Второй
Бетховен»
16.00 «Большая стирка» с
Андреем Малаховым
17.15 «С легким паром!»
18.00 «Жди меня»
19.00 Комедия «Фаталис-
ты». 1-я серия
20.00, 23.00 Время
20.40 Фильм «Убойная
сила: Роль второго плана»
21.45 Фильм «Затерянный
мир». 1-я серия
22.30 Детектив. «Шампан-
ское для покойника».
23.20 Кубок по синхронно-
му плаванию.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
16.10 - 16.40
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 "Вести".
17.00 "Евроньюс" англик-
лари.
17.15 "Қушдай енгил
бўлинг". М. Еаджидов ҳузу-
рида.
18.00 "Мени кутгил".
19.00 "Фаталистлар". Се-
риал. Комедия. 1-қисм.
20.00 "Время".
20.40 "Жаҳон бўйлаб".
21.25 "Хинд оҳанглари".
21.45 Питер Фальк "Йуқол-
ган дунё" саргузашт филь-
мида. 1-қисм.
22.30 СФИ тақдим этади:
"Табиат саргузаштлари".
23.20 "Ахборот" (рус тил.).
23.55 "Тунигиз осуда
бўлсин!"

8:35 «ВЫ БУДЕТЕ СМЕЯТЬ-
СЯ»
9:20 Погода на завтра
9:25 «НАМЕДНИ» с Леонид
Парфеновым
11:05 Комедия «СВАДЕБ-
НЫЙ ПЕРЕПОЛОХ»
13:05 «КРИМИНАЛЬНАЯ
РОССИЯ: МЕСТЬ ЧЕМПИО-
НА»
13:35 Детектив «ОНА НА-
ПИСАЛА УБИЙСТВО», 16
серия
14:40 Ток-шоу «ПРИНЦИП
ДОМИНО»
16:05 ШОУ «ФАКТОР СТРА-
ХА»
17:05 «ВНИМАНИЕ: РО-
ЗЫСКИ»
18:35 Сериал «КЛЮЧИ ОТ
СМЕРТИ», 5 серия
19:45 Сериал «СЕЗОН ОХО-
ТЫ», 1 серия
21:35 Сериал «УЛИЦЫ РАЗ-
БИТЫХ ФОНАРЕЙ»
22:40 «КЛЮЧИ ОТ СМЕР-
ТИ». Детектив
23:45 ГОРДОН

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Телеканал "Доброе
утро"
8.00, 11.00, 14.00, 17.00
Новости
8.15 «Семейные узы». Се-
риал
9.10 Мелодрам «Любовь с
привилегиями». 1-я серия
10.30, 13.05 «Ералаш»
10.40 Детский сериал «Тви-
нски»
11.15 Детский «Из любви
к искусству»
13.20 Человек и закон
14.15 Комедия «Второй
Бетховен»
16.00 «Большая стирка» с
Андреем Малаховым
17.15 «С легким паром!»
18.00 «Жди меня»
19.00 Комедия «Фаталис-
ты». 1-я серия
20.00, 23.00 Время
20.40 Фильм «Убойная
сила: Роль второго плана»
21.45 Фильм «Затерянный
мир». 1-я серия
22.30 Детектив. «Шампан-
ское для покойника».
23.20 Кубок по синхронно-
му плаванию.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
16.10 - 16.40
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 "Вести".
17.00 "Евроньюс" англик-
лари.
17.15 "Қушдай енгил
бўлинг". М. Еаджидов ҳузу-
рида.
18.00 "Мени кутгил".
19.00 "Фаталистлар". Се-
риал. Комедия. 1-қисм.
20.00 "Время".
20.40 "Жаҳон бўйлаб".
21.25 "Хинд оҳанглари".
21.45 Питер Фальк "Йуқол-
ган дунё" саргузашт филь-
мида. 1-қисм.
22.30 СФИ тақдим этади:
"Табиат саргузаштлари".
23.20 "Ахборот" (рус тил.).
23.55 "Тунигиз осуда
бўлсин!"

20.50 Пять минут деловой
Москвы.
21.35 Детектив. «ЗАГАДКА
ЗНАХУА»
23.45 Времецко.
24.15 «ПОД НАДЕЖНОЙ ЗА-
ЩИТОЙ». Телесериал
1.30 Петровка, 38.
1.50 Мир вокруг нас.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

6.00 Сериал «ЛЕТО НАШЕЙ
ТАЙНЫ»
7.00, 11.45 Мультисериал
«Фантагир»
7.30, 12.15 Мультисериал
«Кэнди-Кэнди»
8.00, 12.40 Сериал «ВЕСЕ-
ЛАЯ СЕМЕЙКА ТВИСТ»
8.30 «Удивительные живот-
ные-3»
9.00 Детектив «КОЛЬЕ ШАР-
ЛОТТЫ»
14.45 Сериал «ПЕРВАЯ
ВОЛНА»
13.10 Мультисериал «При-
ключения сверхка»
13.30, 2.40 Сериал «ЛУС-
МАРИЯ»
14.30, 3.30 Шоу «О, Сча-
стливчик!»
15.30, 19.30, 1.00 «Она»
16.30 Драма «ЗОВИТЕ
МЕНЯ»
19.00 Юмористическая
программа «Всегда го-
тов!»
20.30, 1.50 Сегоднячко.
21.30 Боевик «РЭМБО.
ПЕРВАЯ КРОВЬ»
23.55 Музыка на ТНТ.
0.10 Развлекательное шоу
«Империя страсти».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
16.10 - 16.40
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 "Вести".
17.00 "Евроньюс" англик-
лари.
17.15 "Қушдай енгил
бўлинг". М. Еаджидов ҳузу-
рида.
18.00 "Мени кутгил".
19.00 "Фаталистлар". Се-
риал. Комедия. 1-қисм.
20.00 "Время".
20.40 "Жаҳон бўйлаб".
21.25 "Хинд оҳанглари".
21.45 Питер Фальк "Йуқол-
ган дунё" саргузашт филь-
мида. 1-қисм.
22.30 СФИ тақдим этади:
"Табиат саргузаштлари".
23.20 "Ахборот" (рус тил.).
23.55 "Тунигиз осуда
бўлсин!"

10.50 «Кино»: «ШКУРА».
12.45 «1/52». Спортивное
обозрение.
13.30 «ЯГО, ТЕМНАЯ
СТРАСТЬ». Теленовелла
14.50 Черный ящик.
15.20, 20.55 «СПЕЦНАЗ».
Телесериал.
18.50 «Семейные страсти».
Ток-шоу.
22.05 «Футурама». Мульти
сериал
23.00 «Кино»: «МЕХАНИЗМ
ЛЮБВИ»
1.55 Футбольный курьер.
2.25 «Нокаут». Новости
бокса.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
16.10 - 16.40
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 "Вести".
17.00 "Евроньюс" англик-
лари.
17.15 "Қушдай енгил
бўлинг". М. Еаджидов ҳузу-
рида.
18.00 "Мени кутгил".
19.00 "Фаталистлар". Се-
риал. Комедия. 1-қисм.
20.00 "Время".
20.40 "Жаҳон бўйлаб".
21.25 "Хинд оҳанглари".
21.45 Питер Фальк "Йуқол-
ган дунё" саргузашт филь-
мида. 1-қисм.
Эшим 19 да. Хаммаси бизнинг ўқиш жойимизга янги домла келгандан бошланди. Уни биринчи марта кўрганимдаёқ, нигоҳлари-нигоҳларимга тугшан даёқ, севиб қолдим. Уни учратдим-у, бутунлай бошқа оламага кириб қолдим гўё. У менинг тош қалбимни худди баҳор хавоси қорларни эритиб юборгандай эритиб юборди. Энди олдинги мағрурлигимдан асар ҳам қолмаганди. Авваллари севги изхор қилганларнинг устидан кулардим, уларни камситардим. Энди эса ўзим ақлу хушимдан айрилиб, унинг олдида ёш боладай довдираб, гапиролмай қоладиган бўлдим. Мен уни чин юрагимдан севиб қолгандим. Энди уни дундан бошқа ҳеч нарсани уйламасдим, ундан бошқа ҳеч нарсаси қизиктирмасди мени. Фақат унинг хаёли билангина яшай бошладим.

Севги инсонни ҳар қўйга солар экан. Буни энди тушунгандим. Мен нима қилаётганимни тушунмасдим. Фақат у ҳақда ўйлардим. Туну кун уни

кўз олдимдан кеткисолмасдим. У эса ҳеч нарсани сезмасди. Охири унга хат ёзиб, севгимни изхор этдим.

Хатда кимлигимни сир тутдим. Шундан кейин у анча вақт ўтгач, ёзувимдан сезиб қолдим, менга бошқача кўз билан қарай бошлади. Пинхон муҳаббатим ошкор бўлганди. Энди ҳақиқ билан раяш бошладим. У менга илик муносабатда бўла бошлади ва орамиз яқинлашди. У билан учрашиб турадиган бўлдик. Лекин у менга севги изхор этмасди. Мен уни қўриб турганимга ҳам, гаплашиб юрганимга ҳам хурсанд эдим. Бир кун кўрмасам, худди бир нарсани йўқотгандай юрагим гаш бўлиб юрарди. Унинг атрофида айланган қизлар ҳам кўп эди. У буни билиб, мени олдимда ўзини мағрур тутарди. Балки севшимни билиб, шундай қилариди, билмайман. Бу орада менинг орамдан юрган йигитларнинг нечасини севгисини рад этдим. Мен уни севганим учун ҳам-

мани қайтарардим. Хаммасига: «Севган йигитим бор», деб жавоб берардим. Лекин мен жонимдан ортиқ қўрган йигит мени севадими-йўқми билмасдим. Шу зайлда ўқиш тугашига ҳам оз қолди.

Бир кунни юрагимга ўқ теккандай бўлди... Уни бир киз билан қўриб қолдим. Улар худди севшиганлар-

дай ўтиришарди. Юрагимга тошдай бир нарсаси тикилди. Хўрлигим келиб, уйгача йўғлаб қолдим. Кечаю кундуз йўғлай-йўғлай қўзларимда ёш ҳам қолмади. Ўша ҳолат кўз олдимдан кетмасди. Нега мени севмаси, очикчасига айтмади, нега юрагимга ширин сўзлари билан кириб келди? Ўшанда ёнимга келмаган балки уни аллақачон унутган бўлардимди?!

Шундан кейин уни унуттишим кераклигини англадим. Барибир у мени севмаганлигини билдим. У ҳақда бошқа уйламасликка қарор қилдим. Уни юрагимдан чиқазиб ташламоқчи эдим. Бўлмади... Мама, бир ой бўлганди, мен адои тамон бўлдим. Дунёда энг оғир — хижрон азоби экан. Унуттиш қайдаки? Уни шунчаки соғиниб кетдимки, хатто ўзим ҳақда ўйлашни ҳам унутиб қўйдим. Ҳеч нарсаси қизиктирмасди қолмади. Ундан бошқа бирорта одам ёқмади. У ҳозир ўз шаҳрига кетган, лекин шунча вақт ичида ақалли бир марта, шунчаки келиб-кетса бўларди-

ку! Агар севганида албатта вақт топарди мен учун. Бу ёқда эса совчилар холи жонимга қўйишмапти. Бу йил мени узатишмоқчи. Розилик берай десам, ундан бошқа ҳеч кимни севолмайман. Уни қандай унутай ахир? Мен розилик берган одам мени севгани билан, унинг ўзига ҳам меҳр-муҳаббат керак-ку?!

Мен эса ундан бошқа ҳеч кимни ёқтиролмайдим. У мени ўзига асир қилиб олган. Нима қилай, уни жону дилимдан севиб қолган бўлсам. Ох, қанийди тезроқ ўқиш бошласан, уни яна қўриб турардим... Уйдагилар бўлса биронта севги розилик беришимни кутишпти. Агар хаммасига «йўқ» дейверсам, сўраб ҳам ўтирмай бериб юборишлари мумкин. «Яхши кўрган йигитинг бўлса айт», - дейишди. Бу мавҳум севгимни қандай айтаман. Ахир у менга ваъда бермаган-ку. Балки унинг хаёли бошқа киз билан бандир. Ох, шунчаки қийналиб кетдимки, кўзимни юмиб биронтасига розилик берай десам, кейинги ҳаётимни устиз тасаввур ҳам қилолмайман. Билмайман, бундан кўра дунёдан ёлғиз ўтганим яхшироқ.

Маслаҳат беринг, нима қилай? Уни кутайми? Кутсам, кутиб умрим ўтиб кетмасмикан?

Сендадир ҳаёлим, сенинг хаёлинг ўзга бир ўзлада, буни биламан. Аммо узолмайман кўнглимни сендан Топам шу бўлса, қандоқ қиламан. Дунёда сен борсан, шу менинг бахтим қарерда бўлсанг ҳам омон бўл жоним. Ўзини узокдан томоша қилиб Ўзини сўқидир сезаман доим.

Дилдора



ҚОН ЎЙЛАШ ДОВ СОЛИБ ЭМАС-КУ!

“У кунлар дахшати” — 34-сон

ЭСЛАТМА: Ахир ота-она, туғилган яқин жисмларнинг меҳри қанчалар баянд. Улардан айрилмоқ ҳам биз учун шунчалар мусибатдир. Яқин кишиларимиздан жудо бўлганимизда бизга кимдир ниманидир ўргатиб туриши керакми?

София УЗОКОВА

Бу мақола қалбимни яна унсиз йиғлашига сабаб бўлди. Шу боис қўлимга қалам олишга мажбур бўлдим.

Ёшим 18 да. Оилада 2 фарзандимиз. Ота-онамиз ёшлигимизда ўзаро келишмовчиликлар туфайли ажрашиб кетишган. Ўшанда 5 ёшда эдим.

Отам уйландилар. Ўғай онам у қадар ёмон аёл эмасди-ю, лекин барибир ўғай ўғай-да. Отам кенжа фарзанд бўлганлари учун биз бобом ва бувим билан бирга эдик. Бувим билан ўғай онам келишмасдилар, шунинг учун дадамлар бошқа ўй олиб чиқиб кетишди. Дадам бизники ҳар 2-3 кунда, ё ҳафтада, ёки ойда бир келардилар. Ҳа, мени 5 ёшимда онамдан айирдилар, энди отам ҳам... Чол-кампирга ташлаб кетдилар. Мен на ота меҳрига, на она меҳрига тўйиб ўсдим.

Бу орада мактабга бордим. Синфдошларим камситишарди. “Нега ота-оналар мажлисига фақат бувинг келадилар”, деган саволларига нима деб жавоб беришимни билмасдим. Митти қалбим унсизгина йиғларди. Мактабдаги камситишлар етмаганидек уйда ҳам бувим кўп қарғар ва кўп камситардилар. Яна унсиз йиғлардим. Охири чидай олмай гоҳида молхонага кириб, гоҳида анжир тагига яшириниб, ёки уйнинг орқасига ўтиб олиб ҳеч кимга билдирмай йиғлаб чиқардим. Чол-кампирдан хафа эмасман. Тушунаман, қариялар инжик бўлишади. Лекин ота-онанг бўла туриб, улар билан бирга бўлмасанг ёмон алам қилар экан. Дардим ичимда бўлиб улғайдим. Ҳасратимни ҳеч кимга билдирмаслик учун фақат унсиз йиғлардим. 9-синфда ўқиб юрган кезларим эди. Бора-бора

бувимнинг тили заҳарга айланди. Мени гоҳида отамга, гоҳида бобомга ўхшатиб уршадиган бўлди. Ёшлигимда бунга унча эътибор бермас эдим. Ўлғайган сари бувимнинг гапларига бардошим қолмади. Отамга айтмай десам, она-бола уришиб қолишдан қўрқаман. Отам билан яшашга иложим йўқ, чунки ўғай онам 2 боласи билан сифдирмайди. Яна унсиз йиғлай-йиғлай охири онамни топишга қарор қилдим.

Онам отамдан ажрашганларидан сўнг бошқа турмуш қурмагандилар. Укам икковлари яшардилар. Мактабда ўқиб юрганамизда гоҳи-гоҳида мени кўргани келардилар. Кетар чоғларида яна унсиз йиғлаб қолардим. Шундай қилиб 9-синф бошларида мактабга деб уйдан чиқдим у онамни излаб кетдим...

Онамини топдим. Онанинг олдида бутунлай келганимни, улар билан ортқайшай олмаслигимни айтдим. Онам иккаламиз унсиз йиғладик... Ўша кундан бошлаб онам, мен ва укам уччаламиз яшай бошладик. Ҳаммаси яхши эди. Мен касб-хунар билим юртини битириб энди иш бошлаган эдим. Бехосдан онам касал бўлиб қолди. Шундай қилиб 9-синфдан қийналганларини кўриб унсизгина йиғлардим. Бир кун онам билан ёлғиз қолганимизда энг катта орзуим, олий маълумотли бўлишим кераклигини айтдим. Шунда онам: “Болам, менга қолса сеннинг ўқиганингдан кўра, турмушга чиқиб бахтли яшаганинг афзалроқ. Қариндошимизнинг ўғли Қосимга турмушга чиқсанг, шунда мени рози қилган бўласан. Ахир ўзимизникилар сўрашяпти, йўқ дея олмайман”, дегандилар. Мен ўшанда онам шунчаки айтдилар-да, деб қўйгандим. Кейин дўхтирларнинг онамга қўйган ташхисини эшитиб...

Йиғладим. Яна унсиз фарёд уриб йиғладим. Ҳеч кимга кўрсатмай аччиқ-аччиқ йиғладим. Гўё ҳаммаси тугагандек эди. Онам бедаво рақ касалига чалингандилар.

Ҳамма қариндошларимиз йиғилишиб менинг тўйимни ўтказишга келишдилар. Онам ҳам

анча тузалгандек эдилар, чамамда. Чунки менинг тўйимни кўриш онамни орзулари эди. Онамни рози қилиш учун ҳам, ҳаммасидан кеңиб, тез кунда қариндошимизга турмушга чиқдим.

Тўйдан бир ҳафта ўтгандан кейин келиб, онамга қарай бошладим. Ҳар доим унсиз йиғлаб келиб, йиғлаб кетардим. Айниқса, 3-4 кун турганимдан сўнг онам менга ўрганиб қолардилар. Айни ўша дамларда иккаламизнинг ҳам кўзимизга қараб бўлмасди. Кўзимизда ёш йилтиллаб, йиғлашга шай турардик. Мен эса 3 кун уйимда бўлсам, 3 кун онамникида бўлардим. Домий қолишга иложим йўқ эди. Онамнинг уйдан то ўзимнинг уйимга қадар унсиз йиғлаб кетардим, уйга киришдан олдин кўз ёшимни артиб кирардим. Онамга укам қараб турарди. Бу орада ҳомиладорлигимни билдим. Ўшатиб ҳамма хурсанд бўлди, жумладан онам ҳам. Онам ётган жойларида фақат ўзимни асрашимни таъкидлардилар. Мен эса унсиз йиғлашдан тўхтамасдим...

«Токсикоз» деганлари ёмон бўлар экан, жуда холдан тойдирди. Биз қўшни туманда турардик, онамникига келиб-кетилим қийинлашди. Чунки йўлма-йўл 3-4 та машинага алмашиб чиқиш керак. Машинанинг ҳидига эса қайт қилардим. Хуллас ахволим яхши эмас эди. Шундай бўлса ҳам 3 кун уйимда, 3 кун онамни олдида бўлардим. Бир марта 20 кунлар чамаси онамдан хабар ололмадим. Сабаби, касалхонага тушиб қолдим. Буни оғзага кучи етмагандилар ўзича изохлади. Гўё мен онамни ташлаб қўйган эмишман. Мен алашимдан яширинча тўйиб-тўйиб йиғлардим. Ҳомилам 5 ойлик бўлганида, 28 июн кун... эрталабдан кўнглим хижил эди... Шум хабар келди... Мен учун энг оғир, энг дахшатли жудодик юз берган эди. Ўша пайтдаги ҳолатим бир Оллоҳга, бир менга аён...

Йиғладим... дод солиб дунёни бошимга кўтариб эмас, ўз ҳолимча унсиз йиғладим. Онамнинг жонсиз жасади устидан ҳам ўз ҳолимча унсиз йиғладим, қалбим эса фарёд уриб йиғларди.

Ўшанда баъзи бир аёллар менга: “Додлаб йиғла, тобутни устига ўзингни ташла”, деб айтишди. Ҳеч замонда дўст одам

бундай демаса керак. Мен ёшлигимдан унсиз йиғлаб ўрганганим учун бундай қилмастим. Бекорчи хотинларга эрмак топилди. Ҳа, улар қайдан билсин менинг ҳар кунги онамни соғиниб, қўмсас, эслаб унсиз йиғлашларимни. Улар қайдан билсин қалбимнинг поралора қон бўлаётганини. Улар қайдан билсин... Зеро танаси бошқа дард билмас, деганлари рост экан.

Ўйлайманки, ўлим ҳаммамнинг ҳам бошида бор. Яқин кишисидан ажралганда, яъни бундай дахшатли фожеани бошидан кечирганлар боғирроқ бўлишмас, бошқаларга сабоқ бўларди. Таъзияга келганлар халқ оғзаки ижодини тинглагани ё бўлмаса томоша кўргани эмас, таъзия изҳор этиб, кўнгил сўрагани келишмайдими? (София опа, мақола муаллифи кўнглингизга тегса, сиздан уэр сўрайман.) Марҳум санъаткор Охунжон Мадалиевнинг қўшиғидан мисол келтирибсиз. Энг сўнгги дамда қон йиғлаш, дод солиш дегани эмас-ку. Мен онамни маърақасида қанчалар қон йиғладим, дод солиб эмас, қон бўлиб унсиз йиғладим. Ахир табиятан шундай яралганлар қандай қилиб артистик қилсинлар. Ахир юраги хасталар бор, ҳомиладор аёллар бор, менга ўхшаб табиятан овоз чиқариб йиғлолмайдиганлар бор, худди эркаклар каби қўз ёшимни кўрсатмайдиганлар бор. Бундайлар нима қилишлари керак? Ёшлигимда бувимдан эшитган эдим: “Одам ўлганда ҳеч ким бақириб йиғламаслиги керак, чунки арвоҳ ҳам қўшилиб чинқириб йиғлайди”, деб. Биз ўзбек аёли эканмиз сабр-тоқатли, матонатли, бардошли эканлигимизни қўрсатишимиз мумкин эмасми? Дод солишнинг ҳар томонлама зарарли эканлигига наҳотки ақлимиз етмаса? Биз таъзияга борганда “қий-чув кўтариб дод солинглар”, деб эмас, балки “ҳаммамнинг ҳам бошида бор, ўларингнинг қўлга олинглар”, деб тушқунликдан қутқаришимиз керак эмасми? Эҳ, аёллар... Аёллар... Каттиқ теккан бўлсам минг бор уэр...

Насиба ТЎРАЕВА

Қашқадарё вилояти,
Косон тумани,
Лолзор маҳалласи

Акс-сало

ШУНДАЙЛАР БЎЛМАСА АГАР ДУНЁДА

“Ундан жуда миннатдорман” — 30-сон

ЭСЛАТМА: Оилам, учта фарзандим бор. Мен бир гўзал аёли ёқтириб қолдим. У одобли, тарбия кўрган аёл. Унинг оиласи, иккита фарзанди бор. Уни кўрганамизда севишимни айтсам, биз ака-сингилдай бўлишимизни эслаб, жаҳли чиқади. Мени бу аёлининг эрига жуда ҳавасим келади.

О.



Исмини яширган О., дил изҳорингизни ўқиб ҳам нафратландим, ҳам қувондим. Нега дейсизми?

Ўзингиз кичик қорхонанинг раҳбари, уч фарзанди “хаётидан шудумон, беғам, бахтиёр бир киши” бўла туриб (ўзингиз шундай ёзгансиз) оиласи, икки нафар фарзанди бор, ўз эрига жуда содиқ, ифтидли бир аёлни севиб қолибсиз-а? Шу ҳам гап бўлдимми? Ахир, “Холва деган билан оғиз чўчимади-ку”, йигит! Оилавий иморати мустаҳкам қурилган эркак уялмай-нетмай, хотиним эшитиб қолса нима бўлади демай, шундай деса-я: “Бир аёлни учратдимму... У қорхонамизни оталиққа олган бир уюшмада ишлайди. У жуда гўзал, одобли, тарбия кўрган аёл. Уни кўрган захотим ёқтириб қолдим. Менга унинг муомаласи, топирилган ишини қойилмақом қилиб бажариши жуда ёқди. У билан гаплашиб тўймайман. Борсаму уни кўрмасам, асабийлашиб ўзимни қўйишга жой топа ол-

майман... Уни кўрганимда жуда севишимни, кўрмасам туролмаслигимни айтман...” (“Бечорагина-ей”.)

Яна тап тортмай: “Мен у билан бўлиш учун бор бойлигимни сарфлагим келади. Менинг бойлигимга, мансабимга учмади. Уни ор-номуси, турмуш ўртоғига, фарзандларига бўлган муҳаббати бу ёмон йўлни танлашга йўл қўймади”, - дея зорланибсиз.

Ҳар қандай кишида: хоҳ эр, хоҳ аёл бўлсин унда ҳамият бўлиши зарур. Кўнгил кўчаларига йўналган кимса шармандаликка юз тутishi табиий.

У аёл ўз хатти-ҳаракати, муомалалари билан сизнинг кўрликка юз тутётган кўзингизни очиб қўйибди-ку! Инсон пул бандаси эмаслигини таъкидлаб, кўнларнинг бирида сизни қаттиқ уришиб берибди. У сизни ўз акасидек қўриб, ҳурмат қилишни, сиз қилаётган иш жуда катта гуноҳингизни таъкидлабди, сизга тўғри йўл кўрсатибди.

Ундан миннатдорлигингизни, аёлининг турмуш ўртоғига жуда

ҳавасингиз келганини, унинг ўрнида ўзингиз бўлишни хоҳлаганингизни баён этибсиз, яна сўзингиз ниҳоясида “лекин...” дебсиз. Тушунмадим шу “лекин”нингизга.

Уч фарзанднинг отаси бўла туриб оила масаласида беқарорлик қилишингиз ҳамма муштарийларни ғазабга келтиради, уларда сизга нисбатан нафрат қўзғатади, мен ҳам ўта нафратландим сиздан. Сизга ақл ўргатиб, гумуроқлик қўчасидан қутқаргани учун ўша аёлдан миннатдорман. Шунинг учун ҳам Абдулла Орипов уруш беваеси, марҳум эрига ҳаётининг сўнгигача содиқ бўлган аёл ҳақида:

“Шундайлар бўлмаса агар дунёда, Бунчалар муқаддас бўлмасди аёл”, - деб ёзмади.

“Қанийди ҳамма-ҳамма аёлларимиз ўша аёл каби иш тутса...” дея орзуландим. Чини билан, барча аёллар ундан ўрнат олгуси!

Афифа ҲАСАН қизи

УНИНГ ОТАСИНИ ТИЛЧ ҚЎЙИНГ

«Севгимизга тўсиқлар, қаршиликлар кўп» — 22-сон

ЭСЛАТМА: Шерзод билан танишиб қолиб, ҳар кунги унинг машинасида ишга кетадиган бўлдим. Бир кунги у мени ёқтириб қолганини, агар рози бўлсам иккинчи хотин қилиб олишини айтди. Ўзим ҳам уни ёқтириб қолгандим. Унинг оиласи, ширингина қизалоғи борлигини, ота-онам эса бундай одамга турмушга бермасликларини ўйлаб қўйилиб кетаман.

ДИЛНОЗА

дарҳол касалу шолга чиқариб қўйишди. Севишга, севилишга албатта ҳаққингиз бор. Лекин гурурингиз, шаънингиз, ёшгина умрингиз нима бўлади. Боланинг тирик етим бўлишига йўл қўйманг. Сиз хали ёш экансиз, албатта ўзингизга мос жуфтнингиз, шахзодангиз келади. Ҳар ким бу дунёда жуфт яралган. Албатта уни кутинг. Унутманг, Шерзод акангиз каби эркаклар “севи” ашуласини айтавериб, ёш қизлар умрини хазон қиладилар. Кўзингизни қўр қилиб қўядилар. Сингилжоним, буларнинг ҳаммаси ўткинчи, унутишга ҳаракат қилинг.

Хуснора АВЛИЁҚУЛОВА
Қарши шаҳри



Хурматли АВАЗЖОН!

Сизни 40 баҳорингиз билан табриклаймиз. Сизга узок умр тилаймиз. Болаларингиз роҳатини кўриб юринг. Исроилбек Одилов



Қизим ЛОЛА!

Таваллуд айёминг муборак бўлсин. Хар бир аёл бахтлиман дейиши учун керак бўлган эзгу ниятлар: хонадон тинчлиги, таниқлиқ, фарзандлар камолтини кўриши сenga тилайман. Оллоҳ ниятларинг ривожини берсин. Волида муҳтараманг



ГЎЗАЛЛИК УСТАСИ

Дилоромхон (Диля) — аёллар сартароши. Бу касб-кор бир қарашда жуда оддий... Лекин бир марта Дилоромхоннинг хизматидан баҳра олган аёллар кейинчалик ҳам унинг ҳузурига ошиқиб келаверишади. Яқин дугона ёки опа-сингилларга айланб қолишади. "Дилоромхоннинг аллақандай соҳриб жозибаси бор", — дея таърифлашади аёллар. "Онанинг отангга бепардоз кўрсатма", деган қадим нақлимиз бор. "Аёл — гўзаллик рамзи" деган сўзни ҳам кўп ишлатамиз. Демак, аёлнинг ўзига

қараб юриши, чиройини парваришлаши ҳаётини зарурат экан. Дилоромхон ўз касби ани шундай қутлуг мақсадни кўзлашадан фохрланади. — Бу соҳада — "Тошкент" меҳмонхонасида жойлашган сартарошхонада ишлаб бошлаганимга ўттиз йилча бўлиб қолди, дейди у. — Меҳмонхона таъмирланганлиги муносабати билан айни дамда метронинг шундоққина "Ешлик" бекати яқинидаги "Экипаж" сартарошхонасида ишлаяпман. Бу ерга ҳам узок-яқиндаги миқозларим излаб, сўроқлаб келишяпти. Сени соғиниб, сени излаб келишса ўзингчи бахтиёр сезаркансан. Касбу коримдан, ўтган умримдан розиман. — Кўлингиз дард кўрмасин, гўзаллик ҳамроҳингиз бўлиб қолсин, Дилоромхон! — деймиз биз ҳам унга.

ДИЛБАР

КАСАЛЛИКНИНГ АСОРАТИ ҚОМАСИ

Вирусли гепатитни "сарик касаллиги" деб ҳам аташади. Чунки бу касалликка учраган кишининг аъзойи-бадани, кўзларининг ичи сарғайиб кетади. Унинг А, В, С турлари бор. Шундан "А" турининг аломатлари ҳақида тўхталиб ўтаемиз. У асосан атроф-муҳитдан юқади. Инкубацион даври 7 кундан 35 кунгача бўлиб, аломатлари шундай бошланади: 38-39 С гача тана ҳарорати кўтариллади. Бурун оқиб, киши ҳолсизланади. Иштаха бўғилиб, ўнг биқин пастга тортиб оғрийд. Териси ва шиллик қаватлар сарғиш тусга кириб, сийдигининг ранги аччиқ чой рангига киради. Ахлати оқ оҳар рангига бўлади. Минг афсуски, кўпинча бу касалликни вақтидан анча ўтказиб юбориб, шифокорга учрашмади. Бу эса кўнглисиз ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин. Аслида касалликни даволашдан кўра унинг олдини олган афзал. Шунинг учун қуйидагиларга эътибор бериш керак. Вирусли гепатит-

нинг аломатлари аниқланиши билан беморни атрофдаги одамлардан, айниқса ёш бола ва ҳомиладор аёллардан алоҳида ажратиб қўйиш керак. Ота-оналар эса касаллик аломатларини фарзандларида сезганлари заҳотиёқ ўтиб кетади, деб вақтни чўзмасдан дарҳол шифокорга мурожаат қилишлари зарур. Аввало оиладаги ҳар бир кишининг шахсий гигиена буюмлари алоҳида бўлиши керак. Ишда, кўпинча жамоат транспортларида юриб уйга келгандан кейин кўлларни яхшилаб совунаб ювиш лозим. Вирусли гепатит билан оғриган беморлар шифокор тайинлаган муддатгача қатъий парҳеда бўлишлари керак. Парҳеда риоя қилмаслик жигарнинг сурункали хасталишига олиб келади. Соғлигинг — бойлигинг, деганларидек, саломатлигингизми ўз қўлимизда эканини унутмайлик, азизлар! **Мавжуда ЭРҒАШЕВА, Республика Саломатлик институти Тошкент вилояти филиали директори**

Саломатлик

МЕН УНИ ҲАМОН ИЗЛАЯПМАН

Дунё мўъжизаларга тўла. Мени ҳам бир сирли туш оромини ўғирлаб қўйган. 1986 йил эди. Тушимда бир жойда турибман, атроф қоронғу, узокдан милтирак чироқ кўринади. Аста секин чироқ қимирлай бошлади. Мен илон деб ўйладим. Шунда илон суратидаги қиз мен томон яқинлашди. Қарасам, қўлоғида сирғаси бор илон менга бир қулиб қаради. Иккинчи марта қулганида илон тилини чиқариб менга яна бир қараб қўйди. Мени деб келди-ку деб қучоқлаб олишим билан у қизга айланди. Шунда орқамдан шитирлаган товуш эшитилди, ўгирилиб қарасам, ердан тилла тангалар отилиб чиқаяпти. Ҳалиги қизни қаттиқроқ қучоқлаб олдим. Шунда аввалгидан ҳам қучиқроқ шитирлаш эшитилди. Орқам-

га қарасам, белим баварар тилла тангалар отилиб чиқаяпти. Ҳалиги қизни яна қучоқладим, бу гал тепадада шитирлаш эшитилди. Шундоқ қарасам, тангалар устимизгача ёғилиб келибди. Шунда ҳамма гап мана шу қизда экан деб, яна келаман дедимку орқамга қарамай қочдим. Юз қадамча юрганимни биламан орқамдан кимдир чоғиб келаятганини сездим. Орқамга қарасам, ўша қиз чоғиб келди. Ҳалиги жойга қайтиб бориб, икки сиким танга олдим-да, бу тангаларга биз уй курамыз, дедим. Тушимдаги ушбу воқеани бир отахонга айтсам, сабр қилсангиз, албатта мақсадингизга етасиз, дедилар. Орадан ўн беш йил ўтибдики, ўша қизни ҳамон излаяпман.

Қодир САҒАТОВ

С. Раҳимов тумани

ҚОРА НОН — КОНИ ФОЙДА

Маслаҳатхона

Доимо саломат бўлиб, узок ва мазмунли умр кўришимиз учун нон ва нон маҳсулотлари турини тўғри танлаб билишимиз муҳимдир. Одатда, оилада нон ёпиш учун магазиндан юқори навли ун сотиб олишга, нон маҳсулотларини ҳам юқори навли, оппоғини олишга интиламиз. Майда тортилган уннинг асосий қисмини углеводлар ташкил қилади. Шу сабабдан ҳам бундай ундан тайёрланган овқатларни тановул қилганимизда организмнинг углеводларга бўлган эҳтиёжи қондирилади, холос. Организм учун энг зарур бўлган витаминлар, микроэлементлар, клетчатка эса кепак билан

лан чиқиб кетади. Шу сабабли оқ ундан тайёрланган овқат маҳсулотларини тановул қилганимизда ошқозон ва ичакларда бижғиш рўй бериб, газ тўпланиши кузатилади. Бу ҳолат айниқса гўшти овқатлар билан оқ нон қўшиб ёйилганда кучли бўлади. Қоринда газ тўпланишини йўқотиш учун овқат билан оқ нон эмаслик тавсия этилади. Овқат билан дағал қилиб тортилган қора бугўди унидан тайёрланган қора нон тановул қилиш соғлиқ учун ҳар томонлама фойдалидир.

Раҳматилло БЕКТОШЕВ, олий тоифали шифокор

Самарқанд

"Дилбарим - сервис"

ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ МАРКАЗИ СИЗЛАРНИ ҚУЙИДАГИ КУРСЛАРГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

1 ойллик: Бадий маникюр, педикюр; 2 ойллик: Косметология, Сартарошлик; 3 ойллик: Умумий массааж (амалиёти билан), Ўй ҳамшираси (амалиёти билан), Акушерлик (амалиёти билан), Торт, пиширик ва салатлар (олий тоифа 10 кунлик), Элита услубида парда, чойшаб, ёстиқ жилдлари тикиш, Зардулик (Бухоро услубида), Фантазия гул безаклари, Юмшоқ ўйинчоқлар тикиш, Компьютер сабоғи; 4 ойллик: Тикиш-бичиш (хоҳловчилар учун чоқдан бошлаб), Инглиз тили — бошланғич ва давом эттирувчилар учун. Ўқиниш тамомланганларга диплом берилади ва иш билан таъминланади. Манзилимиз: Сирғали — 3. 3-уй УПК биносининг 3-қавати. Мўлжал: Сирдарё кафеси ёнида. Тел: 8.00дан 22.00гача — 49-18-71, 10.00 дан 16.00 гача — 57-37-86. Авт: 40,47,75,86,98,130,58. Трол: 19 Ярмарка бекати.

АНГИЛИК: ТАБИИ ВА ОЛИЙ ТОИФАЛИ ВРАЧ, ШИФО-БАХШ ГИЁҲЛАР ЁРДАМИДА СУРУНКАЛИ АСОРАТЛАН-ГАН, МУРАККАБ КАСАЛЛИКЛАРНИ ДАВОЛАЙДИ:

- ревматизм, полиартрит, оёқ шишлари, узок битмайдиган яралар, оёқлар тинкасизлиги; - қандли диабет ва унинг асоратлари; - простатит, аденома; - мастопатия; - инсултан кейинги асоратлар; - псориаз, экзема, нейродермит. Тел: 34-21-16 (кундузи), 22-48-65, 50-21-12 (кечкурун)

УРОЛОГ ВРАЧ, ДОЦЕНТ РЎЗМЕТОВ МЭЛС ҲОЗИЕВИЧ

Энурез хасталиги билан оғриган қовуғи бўш 10 ёшдан ошган ўғил ва қиз болаларни батамом даволайди. Буйрак, қовуғ, простата бези касалликларини аниқлайди ва даволайди. Қабул вақти сешанба, чоршанба, пайшанба, якшанба кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача. Манзил: Тошкент тумани, Генерал Собир Раҳимов номи жамоа ҳўжалиги, Бобоев кўчаси, 12-уй. "Чорсу" шўҳбекатидан 464, 469,522-автобусларнинг "Генерал Собир Раҳимов" бекатигача борилади. Телефон: 8 296 56023 Лицензия рақами 3271

"ЎКТАМХОН" ўқув маркази ўқинишга таклиф этади: (ўқинишга ҳар ойда қабул қилинади)

1. Бичиш-тикиш - 3 ой; бошловчилар учун - 6 ой. Бунда сиз 100 дан ортиқ замонавий либослар, қостом-шим, бешик усти жиҳозларини бичиш-тикишни моделлаштиришни ўрганасиз. 2. Ҳамширалик - 6 ой. 4 ой ўқини, 2 ой амалиёт машғулотлари ўтилади; 3. Каштачилик — 3 ой, машинада тикиш — 3 ой; 4. Зардулик (бухорога) — 3 ой; 5. Сартарошлик - 3 ой (амалиёти билан), эркаклар учун - 2 ой; 6. Массааж (амалиёти билан) - 2 ой. 7. Торт ва турли хил пишириклар - 2 ой. 6. Инглиз тили - 3 ой; 8. Парда ва пкриваллар тикиш - 1 ой.

Ўқиниш тугатганларга диплом берилади. Лиц: № 587 Манзилимиз: Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод бозори орқасида. Тел: 121-77-72 (соат 8дан 17 гача), 125-46-27, 125-97-93 (кеч соат 17 дан 22 гача).

"ХОЛИС-УМИД" ФИРМАСИ

замонавий касб-хунар курсларига таклиф этади:

КОМПЬЮТЕР САВОДНОЛИК КУРСЛАРИ: - WINDOWS-2000, Microsoft Office-2000, Microsoft Word-2000, Microsoft Excel-2000, Ms-dos, NC-2 ой. - Бухгалтерия ва компьютер билимлари-4 ой. - Бухгалтерия ҳисоби -2 ой. - Инглиз тили (компьютер ёрдамида)-3 ой. - Акушерлик-6 ой. - Ҳамширалик-3 ой. - Аёллар ва эркаклар сартарошлиги (Машғулотлар салоҳида ўтказилади) - 3 ой. - Маникюр ва педикюр - 1 ой. - Фармацевт-4 ой. - Бичиш-тикиш (замонавий моделлаштириш)-3 ой. - Эркаклар қостом-пальтоси-2 ой. - Парда, пкривал (замонавий Элита услубида). - Торт ва салат (оддий ва олий курси)-3 ой. - Массааж-2 ой. - Аёллар қостом-пальтоси- 2 ой. - Косметология -2 ой.

ДИККАТ! Фирмада замонавий оқшом либослари ва «Elite» услубидаги пардалар, келин-қўёли либослари ижарага берилади. Ҳар бир курснинг тезкор гуруҳлари мавжуд. Машғулотлар ҳафтада 3 марта олий тоифали мутахассислар томонидан амалиёти билан олиб борилади. Муваффақиятли битирганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: «Халқлар Дўстлиги» метроси, «Олмазор» массиви, 8/1-уй, 5-6 йулақлар, 1-хонадон, 1-қават. Телефон: 47-09-52, 42-76-06.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯТОНА БИЧИШ ВА ТИКИШ ЎҚУВ МАРКАЗИ «МОҲИР ҚўЛАР»

Қуйидаги пуллик курсларга қабул эълон қилади: — Моделчи-технолог (бичиш-тикиш курслари) — 2; 4 ойллик; — Моделчи конструктор (яъни моделларни яратувчи, 100% бичиш билан шуғулланиш шартли асосида) — 2 ойллик; — Эркаклар қиймати — 2 ойллик; — Аёллар қостоми, пальтоси, плащчи — 3 ойллик; — Дарпарада, парда, чойшаб, ёстиқ, дастурхонлар — 1,5; 3 ойллик. ДИККАТ! Хоҳловчилар учун яқна тарзда қичиқ-гуруҳларда (3-5 кишилик) олиб борилади. Битирганларга диплом берилади. Қабул ҳар кун (яқшанбадан ташқари) соат 10 дан 14 гача. Манзилимиз: Пушкин кўчаси, 7-уй, 3-бизнес мактаби, 4-қават, 524-хона. Мўлжал метронинг "Амир Темури" бекати, Магазин "Top moda", Тел: 133-73-97, 76-71-95.

Профессор Эргаш Салимов клиникаси барча турдаги аллергик, бўғин, ошқозон-ичак хасталиқларини, касаллан, нимжон болаларни махсус усулларда даволайди. Бронхиал астма хасталигинда гормонал дорилар қўлланмайди. Аллергик касалликларни аниқлаб, даволашда турли аллергенларни қўйиб синалади. Иш вақти соат 8 дан 17 гача. МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, Ўйғур Ҳўжаев кўчаси, 4-уй, 10-хона. Автобуслар — 27, 35, 46, 53, 91. Трамвай — 8. 1-шаҳар клиникаси бекати. Тел: 49-43-33, 42-56-50.

"Матбуот тарқатувчи" Акциядорлик компанияси акциядорлари диққатига!

"Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси 2002 йил 6 ой фаолияти натижалари бўйича дивидендлар тўлашни бошлади (дивиденд миқдори акция номинал қийматининг 25,0% ташкил қилади). Дивидендлар жорий йилнинг 10 сентябридан Тошкент шаҳар Толстой 1-кўчасида жойлашган ИАТ "Алоқабанк" жамғарма фазнаси орқали тўланмоқда (ИАТ "Алоқабанк" "Тошкент почтамати" биносида жойлашган). Дивиденд пулларини олиш учун акциядор ИАТ "Алоқабанк" жамғарма фазнасида фуқаролик паспортини тақдим этиши лозим. "Матбуот тарқатувчи" АК Кузатов Кенгаши

Ёшим 31да. Қовға буржиди тугилганман. Алишер исми дўстимни излаб дил изхоримни ёзаяпман...

Бундан 15 йил аввал 16 ёшимда қизлардай севги ҳақида ўй суриш ҳаёлимга келмади. Мен фақат содиқ ва қиёматли дўст ҳақида орзу қилардим. Ёшлимдан сўз мулкининг сўлтони, ишқ аҳлининг шоҳи Алишер Навоийни жуда-жуда ҳурмат қиламан. Ижодини севиб мутлола қиламан. Ул зотнинг сукулиси Гули эканлигини ўқиб билгач, дўст излашга иштиёқ менда янада ортиб кетди. Ўзингизга маълум, Навоий ўз ёрига вафодор, ўта садоқатли бўлган. Таассуфки, Алишер Гулиснинг васлига етишолмайдим...

Яратган Эгам Навоийдек олижаноб инсон, вафодор ёр, содиқ дўстни яратиб қўйган экан, демак ҳозиргача ул зот каби дили соф, қалби пок ҳисларга тўла "Алишер"лар бор ва мен уни излаб, кутиб яшаяпман.

16 ёшимда ҳаёл оламимда гўзал озли, гўзал хулқи, кўркам инсон қиёфаси гавдаланди ва мен уни соғиниб ашай бошладим. Бир кун мен учун мўъжиза рўй берди. Телевизорда Мексиканинг "Бойлар ҳам йиғлайди" филми намойиш қилина бошланди.

Телесериалдаги бош қаҳрамон Марианна исми аёлнинг ўли Бето ролини ўйнаган артист Гильермо Капетильога кўзим тушди-ю... Ҳаёлимда ҳис қилиб, тасаввур этган инсон қиёфасини кўрдим. Ҳайратдан лол бўлиб қолдим. Мен унда Алишеримнинг қиёфасини кўрдим. Қалбимга таскин толгандай ўша филмининг зор-интизор бўлиб кутиб, томоша қилиб юрдим. Кейин ўша актёрнинг суратини сотиб олиб, соғинчимга малҳам қилиб олдим.


"Оила ва жамият"га мактуб йўллагимдан мақсадим шунки, газета деврли барча хонадонларга, муассасаларга кириб боради. Менинг мактубим ажойиб актёрга қиёфадор инсонга етиб борсаю, у қаерда бўлишидан, ким бўлишидан қатъи назар, менга садо берса... Мен ана шундай пок дўст учун юрагимнинг тўб-тубида саклаётган покиза ҳис-туйғуларимни унга бағишлайман! Мен сезаяпманки, у бор. У қалби тоза, вафодор, садоқатли, содиқ дўстдир.

15 йил айтмоққа осон, ахшлар! Мен шу йиллар давомида ҳамма-ҳамма нарсамни бой бердим: ҳамроҳимга умримни бердим, эвазига миннат тоши отилди менга. Севган инсонга ишончимни

топширдим, эвазига хиёнат олдим. Вафо, деб аталмиш туйғуларим унга керак бўлмади, туйғуларим сарсон-саргардон кўчаларда қолиб кетди. Соғлимдан кечиб қинларимга куч-қудратимни бердим, лекин мени тушунадиган бир инсон тополмадим. Лекин ноумидлик шайтонга ҳосидир. Мен эса жуда катта умид, илинж билан Раббимга дуо қилиш учун кафтарларимни бирлаштирмам:

"Ўзимнинг меҳрибон Аллоҳим! Ғариб қалбим ўзингга аён! Сендан умидворман, ҳолос! Бу дунёда ҳақиқий дўстимни учратмай, унга нафим теғмай ўтиб кетсам агар, ўзимдай кўнгли ғарибимга меҳр бағишловмай, бир инсончалик ёрдамимни "Алишерим"га кўрсатолмай ўтиб кетсам яшашимдан маъни йўқ! Умрим, менга берилган бебаҳо умр ҳайф кетган бўлади. Бундай ҳолдан ўзинг асра. Менда борки имкониятни, кучимни сарфлаб дўстимни излаяпман. Алишер билан мен — Гулининг

Хиёнат, алдов, бесаблик ва ниҳоят кечирилар вужудга келади. Барибир қайсар юрак аҳдидан қайтмайди. Суйгани томон олға интилади. Чунки муҳаббат юракка ўйиб ёзиғлик! Шунинг учун ҳаммамизнинг юрагимиз хиёнатдан, айрилиқдан ўқиб, ҳўрланиб, эзилиб яшашга маҳкум экан умрбод! Меҳ-



МЕН СЕНИ ҲАР КУНИ КЎРГИМ КЕЛАДИ...

тақдиримиз сенинг қўлингга. Ўзинг бирлаштир. Мен сендан на моддий бойлик, на ҳашаматли ҳаёт сўраётганим йўқ. Сендан фақатгина содиқ дўст сўраяпман, ҳолос. Агар қиёматли дўстни менга инъом этсанг, бу дунёю, у дунёда асқотишга тайёрман унинг учун!

Ривоятга қараб Парвардигор уч хил тоифадаги инсонларни бандалари қисматига ёзаркан. Биринчи хил инсонни пешонага ёзаркан. Оила курғач ҳамроҳингиз билан уришасиз, талашасиз, ярашасиз... Ҳаётингиз ўтаверари "шўр" бўлиб. Бахт бутун бўлмади, деб шунинг учун айтишаркан. Иккинчи хил инсонни бандасининг юрагига ўйиб ёзиб қўяркан. Уни муҳаббат, деб аташаркан. Севган инсонингизга етишасиз ёки йўқ. У ҳолда ҳам ҳаёт давом этаверар экан. Фақат юрак билан ақл бир-бирига қарама-қарши ҳолатда... Юрак суйганига талпинади, ақл қайтаради.

рда тенгсиз Раббимиз учинчи хил инсонни бизнинг бутун борлигимизга, пок руҳимизга ёзиб қўяркан: "Қиёматли дўстинг", деб. Ох, бу дўстликнинг муҳаббатдан-да афзаллигини кўринг, дўст дегани сиз учун яшайди, на сиздан гина қилади, на ёмон ҳаёлга боради, на алдайди, на хиёнат қилади... Чунки у пок руҳингизга ёзиғлик! Дўстингиз беғубор, дилкаш, меҳрибон, ҳожаббарор, ёмон кунингизда сунанчқ, яхши кунингизга ҳисса қўшган содиқ бўлади. Жаннат унга сизсиз татимайди, ишонинг, дўстингиз ёмон кунларингизда сизнинг ёнингизга боради, ёрдам беради. Эвазига ҳеч нимани умид қилмайди, таъма қилмайди. Тунлари Тангридан сиз учун умр сўрайди, бахт-саодат тилайди. Ҳаттоки ўзига тақсимланиб берилган бебаҳо умрини, бахтини, иқболни, жаҳми шодлигини сизга беришликни, сиз-

даги нотинчликни, "шўр" ҳаётни, беҳаловатликни ўзига беришни Аллоҳдан ёлвориб сўрайди. Буларнинг барисини сиздан пинҳона, фақат яратган Эгамдан ўтиниб сўрайди. Қиёмат кунини дўстингиз Аллоҳдан сўраarkan: "Қудратда тенги йўқ ўлуғ зот! Дўстимнинг савобларимга қўлиб менинг савобларимни бергил, мен розиман. Токи жаннатларингга дўстим кирсин, мен унинг учун жаҳаннамда бўлай", дер экан. Шундан бўлса керак ундайларни қиёматли дўст, деб аташар экан. Чунки ҳақиқий дўст қиёмат кунини албатта асқотади.

Дўст дегани ростгўй бўлади, сиз уни алдасангиз кечиради, хиёнат қилиб қўйсангиз (шайтон бор-да!) унутади, хато қилсангиз тўғрилашга кўмаклашади, лекин ҳеч қачон сиздан юз ўғирмайди, сиздан бошқани демайди. Кимларнингдир дўстлиги бузилган бўлса, демак ҳали дўстликнинг ўзи вужудга келмаган бўлади, нолойиқ инсонини дўст, деб таллаб хато қилган бўлади. Холис ният билан дўстимизни топганимиздан сўнг унинг хато ва нуқсонларини кечириб, яхшилигимизни ҳам ҳеч дариг тутмаслигимиз зарур. Иродамизни бўш қўйсак энг буюк бахтимиз — дўстимиздан жудо бўлиб, қанотимиз синади!

Мен эса дўст топишда шоғиним йўқ, кутдим, яна кутаяпман. Учратиб қолишга ишонаман ва кейин умрбод қадрлаб яшайман. Менинг ушбу мактубимни у бўлажак дўстим ўқиб турган бўлса, мен яна шу нарсани айтмоқчиманки, бизнинг муносабатларимиз жуда-жуда самимий бўлади. На дўстимнинг оиласига зарар етказмайман, на юрагидоғи муҳаббатига халал бермайман, фақатгина унга чин дўстлигимни исбот қилиб бораман!

Яна такрор айтаман "Алишерим" ким бўлишидан қатъи назар — ишчимни, хизматчимни, қўшиқчимни, ижодкорни, бойми, қашшоқми чин инсон бўлсин, мен уни кутаяпман. Унинг жавобини, акс-садо беришини газета орқали зор кутиб қоламан...

Шоирнинг ажойиб шеърини эсга олиб мактубимни тугаллайман.

Мен сени ҳар кун кўргим келади, Курмаган кунларим ўлгим келади. Ҳасратнинг безишқ дунёси аро, Сенсиз бу рўзгорим бўларкан қаро, Абад қаролигга сўнггим келади!

ГУЛИ

Андижон

Меҳрибоним "Оила ва жамият" ва азиз ортодошларим! Бугун менга ёрдамнингиз, кўмагингиз жуда зарур, ёлғиз ўзим қийналиб кетдим. Анчадан бери ёзаман дейману, аммо иккиланаман. Чунки менинг меҳрибоним онажоним ҳам "Оила ва жамият"нинг ҳар бир сонини қолдирмасдан ўқийдилар. Газетани ўқисалар бунини мен ёзганимни билиб қолишларидан жуда ҳам кўрқаман. Аммо ёзмасам ҳам бўлмайди. Шу кунларда парижонхотирман, қалбимни савол-сўроқлар қийнайди. Уларга жавобни сизлардан олоқчиман.

Икки йилдан бери 5 вақт номоз ўқийман. Бу албатта яхши. Аммо инсон барибир ўзи ҳақида ниманидир сезаркан. Онам мени боқиб олганда деган гумоним бор эди. Онамнинг ўзлари бунини ҳеч сездирмас эдилар. Бу гапни аниқлаш учун, бир танишимизниқча бордим. Қўлларига "Қуръон" китобини бериб, фақат тўғриси айтишларини илтимос қилдим. Бу гапларнинг ҳаммаси ёлғон дейишларини жуда хоҳлаган эдим. Афсуски, ҳаммаси ўйлангандек бўлиб қикди. Мени онам чақалоқлигимда асраб

олган эканлар. Бу гапларни эшитиб довдираб қолдим, қўзимдан тинмай ёш оқарди. Бу ёшлар мени кимдир ташлаб кетгани учун тўқилаётганди. Балки ёлғиз Оллоҳим — яратувчим олдида ким бўлдим? - деган ўй мени қийнади. Энди мен нима қиламан, деб йиғлар

ЭНДИ МЕН КИММАН?

эдим. Ахир мен онам билан фахрланардим. Улар туққан фарзанд бўлишни жудаёам хоҳлардим. Шундай бўлса-да, улар менинг азиз онам бўлиб қоладилар. Мени дунёга келтирган инсон (уни ҳеч қачон «она» демайман) танишимнинг гапи бўйича, Фаргона водийсидан Ташкентга ўқишга келиб, номусидан ажралиб, мени дунёга келтирган экан. Унинг сочлари узун, чиройли ва оғзида тилла тишлари бор экан. У ҳақида шуларни билсаман, ҳолос. Агар мени мунис онажоним асраб олганда қайси кўчада, кимнинг эшигидан сарсон, меҳрга зор бўлиб юрган бўлардим? Ўзим ҳақимда билиб олганимдан кейин онамни жудаёам яхши кўриб кетдим. Насиб этса, ҳали мен

албатта яхши инсон бўламан. Онам мени боқиб олганидан афсусланмаслигини хоҳлайман. Қўлимдан келганча хизматларини қиламан.

Сиз эса, эй мени дунёга келтирган инсон, балки мен ҳақимда қаердадир қизим 18 га кирди деб, ўйлаётгандирсиз, ям аёлларга разм соладиган бўлиб қолганман. Бу аёлларнинг қай бири балки мени дунёга келтирган инсондир, деб ўйлайман. Ишдан келганимда ҳам менинг атрофимда парвона бўлаётган онажонимга тикилиб қоламан. Наҳотки бу инсон дунёнинг барча қувончларидан кечиб, мени тарбиялаган бўлсалар. Наҳотки шундай олижаноб аёл менинг ўз туққан онаммас, деган ўйлар ўтади.

Табиатан кўнгилчанман, ҳар нарсанга йиғлаб юбораман. Газетада шунга ўхшаш воқеаларни ўқисам, уларга ачинардиму, бу ҳол қачонлардир ўзимнинг бошимга тушишини ўйламасдим.

Агар ҳозир бу мактубимни ўша аёл ўқийётган бўлса, илтимос ўзи ҳақида маълумот берсин. Мен қандай инсоннинг фарзандиман, менинг қонимда кимнинг қони оқмоқда — буларни билгим келади. Мен ўша аёлга яна шундай дегим келади: «Ўша пайтда чақалоқлигимда мени кўлингизга олиб нималарни ўйлаган эдингиз? На-

ҳотки қалбингизга оналик меҳрини сола олмаган бўлсам, нима бўлганда ҳам болангиз эдим-ку! Ҳатто ҳайвонлар ҳар қандай вазиятда ҳам болаларини ташлаб қўйишмайди. Сиз мени тақдир измига ташлаб кетишга нима ҳақингиз бор эди, ахир? Мен бугунги кунда ўз-ўзимдан нафратланаман. Балки сиз ҳозир ҳаётда завқланиб яшаётгандирсиз. Мен эса азобдаман. Бир бегона аёл ўзганинг фарзандини машаққат кечиб боқиб олади-ю, наҳот сиз ўз туққан болангизни ташлаб кетдингиз!»

Саволларимга озгина бўлса ҳам жавоб топа олсам, мен учун энди янги бўлган ҳаётга азобларсиз, армонларсиз қадам ташлардим.

Азиз биродарларим, балки биз хатни ёзиб нотўғри қилгандирман, аммо шундай қилмасам бўлмасди, мени тўғри тушунамиз. Мен ҳам ҳаётда ўз ўрнимни топа оламанми? Мен дардларимни фақат сизларга айта олдим ва сизлардан жавоб кутамаман.

Азиз аёллар, опа-сингиллар! Илтимос, ҳеч қачон ўз болангизни ташлаб кетманг. Ахир сиз она — аёлсиз-ку. Ҳеч бир кимсга менга ўхшаб азобланмасин.

Д.

Тўнғич фарзандим Қудрат-жон дунёга келганида барча оналар қатори менинг ҳам қувончим чексиз эди. Афсуски, бу қувонч узокқа чўзилмади. Чунки ўғлим кар ва соқов бўлиб туғилганди. Фарзандим ногирон бўлишига қарамай уни меҳрибонлик уйига топширмадим. Пойафзал тузатувчи устага шогирдликка бериб, ҳунар ўргатдим. Йил-

жоҳатини кўриб ўзимни қўйгани жой топа олмай қолам. Яна унинг идиш-товокларни синдиргани ортқича. «Ўнғ келининг қилиғи тошдан оғир» деб шунга айтишса керак-да. Ўғлим ҳам: «Кўп пул топиб келаяпман, сенлар ишламай менинг топиб келганларимни еб ўтирибсан», - деб хотинининг ёнини олиб биз билан уришгани-уришган.

кўтариб ишдан қайтиб қолди. Югуриб бориб пeshвоз чиқсам, у менга келдингми, дегандай бир хўмрайиб қараб қўйди-ю, индамай тўртинчи қават томон кўтарилди.

Қаерга боришимизни билмай она-бола ноилоҳ

ўғлимнинг кетидан эргашдик. Эшик очилиб ичкаридан боласини кўтариб ол-

келимни яна эски касали қўзиб қолиб, кийимларини ечиб ҳар томонга улоқтира бошлади. Нима қилсанг қилавер, бор ҳунарингни кўрсат, бир томоша кўрай дедим-да, худди Фармонбибига ўхшаб ўтиравердим.

барча кийимларини бир жойга тўпалаб қўлға гурут бердим. Ёқ, буларни ҳам, уйга ўт қўйсанг барчамиз бирга кўчада яшаймиз дедим. Бир пайт келиним ўтириб олиб ўзидан ўзи кула бошлади. Эшитишимча, ёш-лигида кўп касал бўлиб шифохоналарда ётаверганидан докторлардан кўрки қолган экан. Шарт туриб қўлидан ушладим-да: «Юр, сени касалхонага олиб бориб ташлайман, жонимга тегиб кетдинг, боланга ўзим қарайман», - деганимни биламан. Муқаддас оёғимга бошини қўйиб кечиринг ишорасини қилиб йиғлай бошлади. Ичимда раҳмим келиб турган бўлса-да, индамай туравердим. Тўйиб-тўйиб йиғлаб олган, шифохонага олиб бормайман деганимни эшитиб, юпанди қолди.

Йиғи-сиғи овозини эшитиб йиғилган томошалаб қўшиллар ҳайрон-лол. Ҳатто биттаси қулиб: «Мавлуда хола, сиздан зўр режиссёр чиқар экан», - деса бўладими. Хуллас болам, шундай қилиб гўнг келинимни ўз йўлимга солиб олдим. Ҳозир барчамиз бир оила аъзолари бўлиб, аҳил-иноқ яшамокдамиз.

Мавлуда холянинг сўзларини оққа кўчирувчи
Нигора Йўлдошева



ГўНГ КЕЛИНИНГ ҚИЛИҒИ ТОШДАН ОҒИР

лар ўтиб вояга етгач, ўзига ўхшаган ногирон кизга уйлантирдим. Дастлабки ҳаётимиз осойишта кечди. Биз икки хонали уйда тўрт жон яшардик. Ўғлим ва келиним катта уйда, мен кенжатай кизим кичик уйда яшай бошладик. Одамни олasi ичида бўлар экан. Келиним Муқаддасхон битта фарзандли бўлгач, турли хил қилиқлар чиқара бошлади. Қизим Наргиза билан кун ора жанжаллашар, уни шу уйда яшашига қарши чиқарди. Эр-хотин ўзлари алоҳида яшашни хошлаб қолишди. Ўзи ногирон бўлса қандай қилиб жанжал кўтарарди, дейсизми? Вой унинг шаллақилигини. Агар жадли чиқса қўлларини икки биқинига тираб олиб, чўчқ тил билан бирам бижиллайди, бирам бағ-буғ қиладики, унинг ва-

Бир куни қизим иккаламиз беадок жанжал-тўпалонлардан зерикиб кичик синглимникига кетиб қолдик. Бир икки - кун тургач, у ердан қайтиб келсак эшигимиз ўзгариб қолибди. Ҳайрон бўлиб турганимни кўрган қўшним: «Ўғлингиз кечагина темир эшик ўрнатди, қаттиқроқ тақиллатинг, боя келинингизни кўргандим, уйда ўтиргандир», - дея мени огоҳлантириб уйига кириб кетди. Анча пайт эшикни таққиллатдим. Ичкаридан ҳеч ким овоз бермагач, ухлаб қолган бўлишса керак, деган ўй билан қизим иккаламиз қоронғу тушгунга қадар кўчага чиқиб ўтирдик. Соат 7-лар чамаси ўғлим асбоб-ускуналарини

ган келиним кўринди. Ўғлимни кетидан уйга қараётганимизни кўрган келиним сенларга бу уйда ўрин йўқ деган имо-ишора билан остонага туриб олиб, «чиқиб кет» ишорасини қилди. Мен ҳам бўш келмадим. Ногирон, кўнгли ярим, ўксимасин, деб шунча пайт айтганимни қилдим. Энди мендан кўради-ганимни кўрсан. Ҳа ўша сенларни кўнглингга кўтир жомашов, дедим-да, шартта уйга кириб ўтириб олдим. Бир пайт



Ҳаёт ташвишлари ва қувончлари



УЙИМИЗДАГИ АҲВОЛ МЕНИ ҚИЙНАЙДИ

Дадам ойимлар билан 1980 йил турмуш қуришган ва бирин-кетин бизлар дунёга келганмиз. Дадам жудаям кўрс-қўпол. Билмайман нега, балким ўсиб унган оиласида бош фарзанд бўлганлиги учундир. Кўча-қўйда таниш-билишларни кўриб қолса, иложи борица кўрмаганликка олади. Сабаби, салом-алиқни хуш кўрмайди. Ўзидан кичикларнинг ҳеч бирининг саломига алик олмайди. Муомала-муроса деган тушунчалар у кишига ёт! Булар-ку майли, уйимиздаги аҳвол мени қийнайд. Эсимни танибманки, онамга бир оғиз ширин сўз айтганини эшитмаганман. Фақат ва фақат зулм ўтказарди. Катта бўлганимиздан сўнг, ойимни ҳимоя қилишга ҳаракат қилар эдик. Мен жудаям кўп ўртага тушар эдим. Билмадим шунгами дадам мени ҳам ёмон кўради. Пайғамбаримиз Мухаммад (с.а.в.): «Дунёдаги энг пасткаш киши — аёлига (аёл кишига) қўл кўтарган киши», деган эканлар. Наҳотки шуни бизнинг дадамыз тушунмаса. Шунча кучи бор экан, кўчага чиқиб ишласин. Йўқ! Дадам ҳаттоки бозор-ўчар қилишни ҳам онажонимнинг елкасига олиб қўйган. Агар бир кун дадам бозор-ўчар қилса борми уйимизда жанжал бўлади, ҳеч бир сабабсиз ҳаммамизга бақаради. Қанча кўп пул сарфласа, шунча биздан аламни олади. Ахир бизда нима айб! Охири пайтлар умуман бозор ҳам қилмай қўйган. Онамга-ку майли, биз фарзандларига охири марта нима харид қилганларини эслолмайман. Майли, ҳеч

нима олиб бермаса ҳам розиман. Фақатгина бизга бир оғиз ширин сўзини инъом этса бўлди эди. Наҳотки яхши гап гапириш шунчалар қийин бўлса! Дадамнинг асл касби шофёрлик бўлиб, бир жойда узок ишламаган. 2,5 йилдан бери уйда ишсиз ўтирибди. Уйда ўтирибди, деб мен таъна қилаётганим йўқ. Ақсинча ойимни ҳар куни эзгани-эзган: «Айт, ойлингинг оширишсин», «Кўпроқ пул топишга ҳаракат қил» ва ҳоказо деб. Шунга ўхшаш гапларни эркаклик ғурурини четга суриб қўйиб айтадилар. Уйимизга меҳмонлар келишса, биз дадам ишламаётганлигини беркитишга ҳаракат қилсак, у киши эса уялмасдан «мени хотиним боқаяпти» деб ҳаммага гапирарди. Наҳотки бунга ор деб билмаса!

Укамнинг «охириги кўнғироғи» учун кийим-кечак олиб бериш нари турсин, айланб-келиши учун 1 сўм ҳам бергани йўқ. Бир оғиз «ёнингга пулинг борми» деб ҳатто сўрамади. Унинг ўрнига укаганимнинг кайфиятини чўқитиб, «бормасанг нима бўларди», деб сўқиб қўзатиб қолди. Ҳа, дадамыз ҳеч қачон, ҳеч биримизни эркаламаган, ўғиллари билан ҳеч қачон ота-ўғилдек гаплашмаган, фақатгина уришгани уришган. Мен ҳам дадамни қучиб, уларга эрқалангим келади, минг қилса ҳам барибир яхши кўраман, лекин... Синфдошларим дадалари ҳақида мактабид гапиришса, уларни ҳавас билан тинглардим. Ҳа, ростки уларга чин дилдан ҳавасим келарди. Гоҳида уйга келиб, ҳўрлигим келиб, соатлаб йиғлардим!

У кунлар ўтиб кетди. Аммо ҳозир-чи, ҳозир ҳаммамиз катта бўлиб қолганмиз, лекин аҳвол ўша-ўша. Қизларим катта бўлиб қолишди-ку, деб ўзини озгина бўлса ҳам тиймайди. Арзимас сабаблар учун бақариб, шундай сўзлар билан сўқиб кетадики... Масалан, кечқурун ҳаммамиз дастурхон атрофига йиғиламиз. Ҳеч биримиздан садо чиқиши мумкин эмас, чунки дадам телевизор кўрапти! Ахир фақатгина кечқурун барчамиз йиғиламиз. Йўқ! Бир оғиз сўз чиқса, уришиб кетадилар.

Эҳ, дадажон, нима учун бизга шундай муомаладасиз? Ахир биз бировнинг эмас, сизнинг фарзандларингизми-ку? Қўни-қўшилари, қариндошларнинг: «Нега даданг унақалар?», «Нима учун ҳаммага бақарадилар?», «Уйда ҳам шунақамилар?» деган таъналаридан чарчадим. Бизлар-ку майли, турмушга чиқиб кетамиз. Лекин шунча йилдан буён азобланиб келаятган онам-чи? Уларни адоий- тамом қиласиз-ку! Менинг онажонимдек сабрбардошли аёл бу дунёда йўқ бўлса керак. Онамни кўрган қийинчиликларини ҳеч бир аёлга раво кўрмайман. Дадажон, нима учун бизлардан оталик меҳрингизни, ширин сўзингизни, онажонимга муҳаббатингизни дариг тутасиз? Биз барибир сизни яхши кўрамыз, бир кун келиб бизга меҳрингиз уйғонишини истаб қоламиз.

М.

Тошкент шаҳри

Маҳалламизда рўй берган бир воқеа сизларни ҳам эътиборингизни жалб қилади, деб ўйлайман. Бир опа-сингил бор. Улар иккиси ҳам турмушга чиқишган. Опасининг оиласи ҳавас қилгудек. Эри М. топармон-туртармон, катта лавозимда ишлайди. Уларнинг фарзандлари ҳам бор. Улар бахтли яшашар эди. Синглиси эса турмушдан ажралиб,

СИНГИЛ ОПАГА ХИЁНАТ ҚИЛСА...

опасининг уйига келади ва улар билан бирга яшай бошлайди. Қисқа вақт ичида поччаси билан тил бириктириб дон олишиб юради. Кўп ўтмай опаси уларнинг алоқасини пайқаб қолади. Уйда катта жанжал бўлади. Синглиси кетишга мажбур бўлади. Опаси эса эри билан қолади. Улар синглисига шаҳарнинг марказидан 3 хонали уй олиб беришади. Синглиси ҳали ҳам опасининг эри билан ўша уйда учрашиб туради. Опаси нима қилишини билмайди, айтса ўз синглиси, айтмаса яна дардини ичига ютиши керак.

Наҳотки жигарлар бир-бирига хиёнат қилса? Сингил ўз оиласи бузилгани етмагандек опасининг ҳам оиласини бузилишини хоҳлармикан? Мен бу воқеани ҳазм қилаолмаганим сабабли ёзишга мажбур бўлдим.

АЗИЗА

Қирбай тумани

Оила ва жамият

Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган қўлбозлар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.

Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 34-25-46

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма хонаси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топширилган вақти - 20.00
Босишга топширилди - 21.00

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва сақланган.

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темури кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

ҲОМИЙ: «Матбуот таркатуви» Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма Г - 741. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобқ.
Баҳоси эркин нархда. Адади - 30 000

Саҳифаловчи — Жаффар ЖАБОРОВ.

Расмом — Набижон ХОЛМУРОДОВ.

Навбатчи - М. СОДИКОВ.